ЗАРВАРАҚЛАРДАН

Кўп кузатганман — одамлар китобларни томоша қилиб-қилиб, кўчанинг нариги томонига ўтишади-да, етаклаб олган фарзандлари қўлига "Сникерс"ми, "Марс"ми олиб бериб, ошми, кабобгами навбатга турадилар...

2-бет

МИЛОШЕВИЧ ЎЛИМНИ АФЗАЛ БИЛДИ

Милошевич Югославиянинг собиқ раҳбарлари сақланган БМТ трибуналининг "Sheveningen" ҳибсхонасида вафот этган 4-судланувчи бўлди. 6 март куни худди шу хонада хорват сербларининг 50 ёшли етакчиси Милан Бабич ҳам ўлик ҳолда топилганди. 1998 йилда сербларнинг яна бир етакчиси Славко Докманович ўзини ўзи ўлдирган. Ўша йили август ойида Приедор мэри Милан Ковачевич айни шу хонада вафот этганди.

3-бет

ОЗОД ФИКР ШАРАФИ

Қаҳрамонимиз Озод Шарафиддинов ҳаммага - ўтганларга ҳам, ҳаётларга ҳам қўлидан келган яхшилигини аямай ўтди.

Озод Шарафиддиновни баъзилар фидойи рус маданиятшуноси Дмитрий Лихачевга қиёслашарди. Кўпчилик бу зотни "ўзбекнинг имони" дерди...

4-бет

Mustaqil gazeta

HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan E-mail: hurriyat@yandex.ru № 10 (472) 2006-yil 15-mart

«HURRIYAT»га 2006 йил учун обуна йил бўйи давом этади

Газетамизни ўқиб боринг, ютқазмайсиз!

Нашр кўрсаткичи — 233

Мунозара

КИМДАН ЭРКИНМИЗ?

Биз матбуот эркинлиги учун курашаяпмиз. Бу демократик ривожланишнинг ва фуқаролик жамиятининг асосий тамойилларидан биридир. Матбуот "тўртинчи ҳокимият" даражасига кўтарилар экан, ҳеч кимга қарам бўлмаслиги керак, деймиз. Яхши. Хўш, у кимдан, нимадан ва нима учун эркин бўлиши керак?! Матбуот эркинлиги ҳақида гап кетганда, сўзсиз, бу савол ҳамиша кўндаланг бўлиб туради.

Умуман, ҳеч кимга ҳеч қандай дахли бўлмайдиган оммавий ахборот воситаси борми ўзи? Бўлса жаҳондаги қайси телеканални, радиони, газета ёки журнални мисол қилиб кўрсатиш мумкин? Айтайлик, эркин "Озодлик" радиоси АҚШ Конгрессидан маблағ олади. "БИ-БИ-СИ" раҳбарини Буюк Британия ҳукумати тайинлайди. Ёки Россияни олайлик. "Газпром", "Лукойл" ва бошқа шулар каби саноат гигантларига бир неча оммавий ахборот воситалари қарам. Боқиманда нашрлар ҳамма мамлакатларда ҳам бор.

Хўш, маблағ бераётган идора ёки ташкилот ўша оммавий ахборот воситасига ўз таъсирини ўтказмайди, деб ким айта олади?! Бизнингча, ҳеч ким. Ҳаётда ҳамиша олган одам берган одамнинг олдида тили қисиқ бўлиб қолади. Бу оддий фалсафа. Бу оммавий ахборот воситалари фаолиятига ҳам тегишли. Маблағ билан таъминланган идора қандай бўлмасин ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилади? Албатта, матбуотни бундай таъсирдан фақат қонун ҳимоя қилиши мумкин. Мукаммал қонун оммавий ахборот воситаларини айрим эскича фикрлайдиган мансабдорлар ва амалдорлар, табиий монополиялар, ҳомийлар, реклама берувчилар, матбуот тарқатувчилар, ноширлар ва бошқаларнинг таъсиридан самарали ҳимоя қила олади.

Ҳозир эса бизнинг мустақил ва эркин нашрларимиз билан уларнинг ҳомийлари ҳамда муассислари ўртасидаги муносабатлар асосан ўзаро мажбуриятлар олиш билан кафолатланган. Энг ёмони, бу мажбуриятлар вазиятга қараб ўзгариб туради. Баъзан эса ҳомий ёки муассис томонидан белгилаб берилган режадастур, йўналиш эркин матбуот ва эркин жамият асосларига тўғри келмайди. Агар муносабатлар қонунда кўрсатилган тартибда йўлга қўйилса ва шундан келиб чиқиб мажбуриятлар олинса, матбуотимизнинг эркинлигига ҳеч қандай ғов бўлмайди. Энг муҳими, бу эркинлик қонуний жиҳатдан кафолатланади ҳамда ҳимоя қилинади.

Президентимиз Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишларини ҳаётий мисоллар ва далил-исботлар билан асослаб, таҳлил қилиб, изоҳлаб берар экан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз эркинлиги ва матбуот эркинлигини ҳамда ошкораликни энг муҳим устивор йўналиш сифатида алоҳида таъкидлаб ўтди. Бунга фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш жараёнининг узвий таркибий қисми сифатида урғу берар экан, бу жараёнда давлатнинг иштироки зарурлигига эътиборни қаратди. "Барча оммавий ахборот воситаларига, — деди Ислом Каримов ўтган чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида, — мулк шакли, тиражи, қамрови ҳамда мавзу йўналишидан қатъий назар, уларнинг мамлакатимиз ахборот майдонида ҳалол рақобат асосида фаолият олиб бориши учун давлат зарур шарт-шароитларни яратиб бериши лозим. Айтиш мумкинки, бу — жамиятни том маънода демократлаштириш гаровидир".

Тўғриси, бу борадаги ишларнинг натижаси яққол кўзга ташланиб турибди. Ҳозир давлат нашрлари бўлган газеталар ва журналлар учун қандай шарт-шароитлар яратилган бўлса, нодавлат, мустақил, эркин, хусусий, тижорат ҳамда тармоқ нашрлари ҳам худди шундай шарт-шароитларда чоп этилаяпти. Ҳеч қандай ғов, тўсиқ, таъқиқ йўқ. Баъзан таниш ҳамкасб учраб қолиб: "Янги газета чиқаряпман" ёки "Босмахона очдим" деса мутлақо ҳайратланмайдиган бўлдик. Аксинча, кечагина иш излаб юрган ҳамкасбимиз бугун мустақил газета чиқариб, бошқаларни ишга таклиф этаётганлигига ҳавас қиламиз. Мамлакатимиз ахборот майдонида ҳалол рақобат бошланганига анча бўлди. Бу рақобат баъзан обрўли газеталарни ҳам довдиратиб қўяётганлиги бор гап. Олди-қочди нарсалар билан мазмун-моҳиятини бой бериб қўяётган газеталар ҳам йўқ эмас. Рақобатга бардош беролмай чиқмай қолаётган ёки тиражи камайиб кетаётган нашрлар-чи?.. Шундай: ҳозирги газетхон танлаб ўқийди, танлаб харид қилади, танлаб обуна бўлади. Бир сўз билан айтганда, ҳозир газета чиқаришни чидаганга чиқарган. Бу фуқаролик жамиятини шакллантиришда матбуотни эркинлаштириш жараёнидаги табиий ҳолатдир.

(Давоми 2-бетда)

Танлов

ОАВ ВАКИЛЛАРИ УЧУН "ОЛТИН ҚАЛАМ" ХАЛҚАРО ТАНЛОВИ

1. "ОЛТИН ҚАЛАМ" НИШОНИНИНГ ТУЗИЛИШИ:

"Олтин қалам" нишони "Рондо" пероси шаклида бўлиб, перонинг уч қисми юқорига қаратилган ҳолда жойлаштирилган. Нишон кўкракнинг чап томонига тақилади.

Нишон кумушдан ясалади ва тилла сув билан қопланади.

2. ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

2.1. Конкурсга аввалги йилнинг 31 мартидан жорий йилнинг 31 мартигача бир йил давомида газета-журналларда чоп этилган, радиода эфирга узатилган ва телевидениеда намойиш этилган материаллар 10 апрелгача қабул қилинади.

2.2. Конкурс икки кўринишда ўтказилади:

Асосий номинация — энг яхши журналистик материал учун.

Мукофотлар ОАВларининг уч тури бўйича таъсис этилади: — телевидение; — радио; — мутбуот (интернет-журналистика ҳам киради). — Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги номинацияларнинг: — журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун;

— йилнинг энг яхши дебюти учун; — энг яхши карикатура учун; — энг яхши фоторепортаж учун; — чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материаллари учун.

2.3. Танловга босма, радио ва телематериаллар (камида 5 та иш) тақдим этилади. Босма нашр учун: материал чоп этилган даврий нашрнинг асли (ёки нусхаси).

Телекўрсатув (видеоматериал)лар учун: — видеоматериалларнинг давомийлиги 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак; — материал, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишида бўлмасин, рангли тасвирда бўлса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Радиоэшиттириш (аудиоматериал)лар учун: — материалларнинг давомийлиги 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак; — материал ёзилган аудиокассета ёки системали диск.

2.4. Ишга муаллиф тўғрисида қуйидаги маълумотлар илова қилинади:

— фамилияси, исми ва отасининг исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот; — манзили, телефони; — паспортга оид маълумотлари.

3. ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ.

Танлов иштирокчиларининг ишларини етакчи журналистлар, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг вакиллари орасидан танланган халқаро ва республика экспертларидан иборат танлов ишларини кўриш ва баҳолаш бўйича жюри кўриб чиқади.

Ишлар қуйидаги мезон бўйича баҳоланади: мавзунинг долзарблиги, иш мазмунининг ижтимоий аҳамияти, материални етказишдаги аниқлик ва ўзига хослик, жанрнинг хилма-хиллилиги ва бошқалар. Ҳар бир иш беш балли система бўйича баҳоланади. Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги "Журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун" номинацияси бўйича ғолиблар жюри аъзоларининг оддий овоз бериш йўли билан аниқланади.

Ташкилий қўмитанинг доимий ишлаши кўзда тутилган. Унинг вазифаларига қуйидагилар киради: — танловни моддий-техник жиҳатдан таъминлаш; — танлов иштирокчиларининг ҳужжатлари ва материалларини қабул қилиш; — танлов иштирокчиларига хабар бериш. Жюри таркиби ташкилий қўмита томонидан белгиланади.

4. ҒОЛИБЛАРНИ МУКОФОТЛАШ.

4.1. Танловнинг асосий номинацияси бўйича ғолиблар "Олтин қалам" нишони ҳамда энг кам иш ҳақининг 150 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

4.2. Танловнинг бошқа номинациялари бўйича ғолиблар дипломлар, статуэткалар ва энг кам иш ҳақининг 75 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

4.3. Танлов натижалари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

4.4. Мукофотлар ҳар йили 3 майда тантанали равишда топширилади.

4.5. Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар **"Олтин қалам"** танлови деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга жўнатилади:

Ўзбекистон, Тошкент шаҳри — 700129, Навоий кўчаси 30-уй. 3-қават, 30; 35; 37-хоналар. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси.

Телефонлар: *144-37-87; 144-64-61; 144-64-62*

Факс: *144-69-65*

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА

Кўргазма

ЯНГИ ЖИҲОЗЛАР ТЕНДЕР АСОСИДА

Олдинги йилги анъанани давом эттирган ҳолда куни кеча "Ўзэкспомарказ"нинг 5-павильонида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган "Мактаб мебели, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер синфлар учун махсус мебеллар ва спорт анжомлари кўргазмаси"нинг очилиш маросими бўлди. Кўргазмани халқ таълими вазири Т. Жўраев очди. Кўргазма 20 мартга қадар давом этади. Бундан кўзланган мақсад Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги "2005-2009 йилларда умумтаълим мактабларини мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш дастури тўғрисида"ги 493-сонли қарори ижросини таъминлашдир.

2005-2009 йилларда Давлат умуммиллий Дастурига киритилган жами 8476 та мактабларнинг жиҳозланиши режалаштирилган.

Умуммиллий дастур асосида республикамизнинг барча ҳудудларида янги мактаблар қад кўтараётгани ҳеч кимга сир эмас. Биргина мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига биноан 2005 ўқув йилида жами 1099 та таълим муассасасидан 55 та мактабнинг янгидан қурилиши, 284 таси капитал реконструкция қилиниши, 438 таси капитал ва 322 та мактабнинг жорий таъмирланганини айтиб ўтиш мумкин. Ҳаммамизга маълумки, собиқ иттифоқ таълим тизимидаги муаммоларнинг бизга "мерос" ўтиши билан кўпгина жойлардаги мактабларнинг кимё, физика, биология фанлари хоналарининг ўқув-лаборатория асбоблари билан жиҳозланиши талаб даражасида эмас эди. Айнан шу муаммоларни бартараф этиш мақсадида, бюджетдан ташқари мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси орқали белгиланган дастурга асосан республика бюджети ҳисобидан катта миқдорда маблағлар ажратилди. Бунинг эвазига, жойларда шу турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотлар ўртасида тендер савдолари ўтказилиб, энг сўнгги талаб ва таклифлар асосида яратилган ўқув жиҳозларини харид қилиш давом этмоқда. Кўргазмада 100 га яқин тендер иштирокчилари қатнашмоқда.

Кўргазмага Республикамизнинг барча ҳудудларидан 6000 га яқин ўқитувчилар, методистлар, мутахассислар, ота-оналар, ўқувчилар ва кенг жамоатчилик таклиф этилган.

Равшан ТОШМУҲАМЕДОВ

Хабар

ДАВР ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ

Яқинда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими ташаббуси билан Фарғона шаҳрида водийнинг етакчи журналистлари, матбуот ва телерадио компаниялари фаолларининг ижодий учрашуви бўлиб ўтди.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидан жам бўлишган юз нафардан зиёдроқ қалам аҳлининг амалий иш дастуридан республикамиз ҳаётида қизғин кечаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ислоҳотлар жараёнида журналистларнинг ўрни ва бурчи, давр олдидаги масъулият ҳамда касб маҳоратини оширишга қаратилган долзарб масалалар ўрин олган эди.

Ижодий учрашув иштирокчиларининг, айниқса, вилоят ҳокимлиги газетаси "Фарғона ҳақиқати" таҳририятида ва вилоят телерадиокомпаниясида бўлиб ўтган ўзаро мулоқотлари, жумладан долзарб мавзулар ва касб-маҳоратига доир баҳс-мунозаралари анча қайноқ кечди.

Аввало шуни қайд этиш қувонарлики, уюшманинг мазкур вилоятлардаги бўлимлари ташаббуси билан водий журналистлари ўртасидаги ижодий ҳамкорлик, ўзаро тажриба алмашиш, ушбу вилоятлар ҳаётини ўз матбуоти ва телевизион кўрсатувларида вақти-вақти билан ёритиб бориш устувор анъанага айланиб қолган. Фарғонага қилинган бугунги ижодий ташриф учала вилоят ҳокимликлари газеталари — "Андижоннома", "Наманган ҳақиқати" ва "Фарғона ҳақиқати"нинг навбатдаги кўшма сонлари, шунингдек, телекўрсатувлари фикримизнинг далилидир.

"Фарғона ҳақиқати" таҳририятида бўлиб ўтган учрашувда асосий гап учала вилоят нашрлари учун ҳам хос бўлган муассислар муносабатидаги лоқайдлик ҳоллари, таҳририятлар моддий-техник базасининг талаб даражасида эмаслиги, журналист кадрлар таркибини ёшариши билан боғлиқ қийинчиликлар, нашрлар тираж кўрсаткичининг пастлиги, газеталар аудиториясини кенгайтириш кўпроқ нималарга боғлиқлиги ва шу каби бир қанча мунозарабоп мавзулар устида борди.

"Фарғона ҳақиқати" бош муҳаррири Фотиҳ Азимовнинг таъкидлашича, мустақиллик давригача вилоятда жами 20 номда газета чиқарилган бўлса, айни пайтда даврий нашрлар сони 100 тадан ошиб кетди. Бу эса ижодий жамоалар ўртасида рақобатни кучайтириб юборди. Бугун ҳар ким ўз дидига мос газета ёки журнали танлай олиш, ўз таъбига мос нарсани ўқиш имкониятига эгадир. Кимдир профессионал қўл билан ёзилган ва мушоҳадага солувчи мақолани ёқтирса, яна кимдир олдиқочди шов-шувлардан баҳра топади...

Бу, албатта, бозор иқтисоди шароитидаги табиий бир ҳолдир. Бироқ ҳар ҳолда, матбуот тарбия воситаси эканлигини ҳам унутмаслик лозим. Унинг зиммасида халқни мамлакатимиз ва жаҳон янгиликларидан воқиф этиб бориш, яшаш ва яратиш жараёнига ҳалол хизмат қилиш вазифаси турибди. Ёшлар онгини бўлмағур гаплар билан заҳарловчи, зўравонлик ва ҳаёсизликни тарғиб этувчи, мантиқсиз ва бачкана воқеаларга асосланган енгил-елпи материаллардан иборат бўлган ҳар қандай нашрнинг, барибир умри қисқадир.

Йиғилиш иштирокчилари ўз фикр-мулоҳазаларини баён этиш асносида, бу муаммолар жамоаларида қандай ҳал этилаётгани хусусида ҳам сўзлаб бердилар, ўзаро тажриба алмашдилар.

С. ҚАҲҲОРОВ, "Ҳуррият" мухбири

Изоҳга ҳожат йўқ. **А.ҲАКИМОВ чизган**

???

"...ЧИ?" БОШҚОТИРМАЛАРИ

Эри битта бўлган икки хотинни — кундошлар дейишади.

Битта хотинга "тегишли" икки эркакни-чи?

* * *

Ошхонада овқатланиб ўтирганларга "ёқимли иштаҳа" дейиш — одатимиз.

Бекатда кучоқлашиб ўтирганларга-чи?

* * *

Ҳаммомдаги яланғоч одамнинг мақсади тайин — ювиниш, покланиш.

Саҳнадаги яланғочнинг муддаоси-чи?

* * *

Юпун кийинган, зорланиб — тиланаётган гадога садақа берилади.

Башанг кийимдаги кеккайган, қўл чўзаётган таъмагирга-чи?

* * *

Савоб қилсак — мукофот оламиз, гуноҳ қилсак — жазо. Буларнинг ўрнини алмаштириб юбораётган бўлсак-чи?

* * *

Ошқозон оч бўлса мадор қурийди (хавфли эмас).

Мия (ақл) тўймаётган бўлса-чи?

Тузувчи: Муҳиддин МИРЗААҲМАД, Наманган шаҳри

Муносабат

ТИЛ—МИЛЛАТ КЎРКИ

лекин унга амал қилаяпмизми?

Яқинда Президентимиз бир гуруҳ давлат мукофотларига сазовор бўлган таниқли кишиларимизга мукофотларни топшираётиб тил ҳақида билдирган фикрлари диққатга сазовор деб ўйлаймиз.

Президентимиз мукофотланганлар орасида таниқли тилшунос олим Шавкат Раҳматуллаев билан мулоқот қилар-канлар ўзбек тилини чуқур билиш ва англаш ҳамда фахрланиш ҳақида, қолаверса кимки, ватанни севса у онасини, туғилган жойини ва она тилини севиши ҳақида ўз фикрларини баён қилдилар.

Президентимизнинг мана шундай тантанали тадбирда ҳам тил, она тилимиз ҳақида тилшунос олим билан фикр алмашишлари ва бу ҳақда ўз фикрларини билдиришлари ҳам катта маъно ва мазмунга эга десак тўғри бўлар.

Албатта, ўзини миллат жонкуяри, деб билган ҳар бир инсонни Президентимизнинг айтган бу фикрлари ҳеч ҳам бефарқ қолдирмаса керак.

Севимли ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳорнинг сайланма асарларини қайта мутолаа қилаётиб, унинг 1967 йилда ёзган "Рус тилини она тили, дейиш учун аввал ўз тилимизни билишимиз керак!" сарлавҳали мақоласига кўзим тушди. Ёзувчи ўша пайтдаги чет тиллар педагогика институти студентлари билан учрашувда айтган фикрлари баён этилган бу мақолада ёзувчининг тил ҳақида жуда мазмунли билдирган фикрлари ҳеч қачон ўз қадр-қимматини йўқотмаса керак. "Менинг сизларга айтадиган энг зарур гапим шуки, сизлар жойларга чет тиллар билан бирга, балки биринчи навбатда ўз она тилимизга — ўзбек тилига чексиз муҳаббат туйғусини олиб беринглар! Ўзбек тили ғоят бой, ниҳоятда чиройли, ҳар қандай фикру туйғуни ифода қилишга қодир эканини амалда кўрсатинглар; қаерда ва қандай шароитда ишламанглар, тил маданиятимизнинг машъали бўлинглар!" — дейди ўша мақоласида ёзувчимиз.

Ёзувчи бу ўгитлари билан ёшларга ўзининг ўзбек тилига бўлган ҳурматини ифода этиш билан бирга, ушбу учрашувда ўзининг рус тилига бўлган муносабатини аниқ, равшан ва тушунарли тарзда ифода этади. "Тарихда буюк сиймоларнинг деярли ҳаммаси ўз она тилиси устига ўз замонасининг бой, маданий тилларидан бири ёки бир нечтасини яхши билган. Навоий форсча ғазаллар, Лермонтов французча шеърлар, Ибн Сино араб тилида илмий асарлар ёзган.

Биз учун ўшандек тил рус тилидир. Биз учун рус тили она кўкрагидай: бизнинг яшашимизу, ўсишимиз учун керакли ҳамма мода шу тилда бор. Шунинг учун бу тил бизнинг иккинчи она тилимиздир... Рус тилини иккинчи она тилимиз дейиш учун ўз тилимизни билишимиз керак!"

Назаримизда, ўз она тилимиз, қолаверса, рус тилига бўлган муносабатни бундан-да аниқроқ қилиб ифода этиб бўлмаса керак.

Давлат тили ҳақида қабул қилинган қонунда ҳам рус тилига ўзига хос ҳурмат билдирилиб, кези келганда бу тилдан ҳам фойдаланиш уқтирилганлиги, яъни бошқа мамлакатлардаги сингари биз рус тилининг "кўкрагидан" итармаганлигимизни яққол сезиш мумкин.

Айниқса, кейинги пайтда бўлаётган Ўзбекистон-Россия муносабатларининг ривожланиши, ўзбек ва рус халқларининг ўзаро яқинлашуви ҳам — албатта бу икки халқнинг тилларини ўрганиш жараёнига ҳам ўз таъсирини кўрсатиши табиий.

Мамлакатимизда рус тилини ўрганиш, оддий ҳаётий ҳақиқат эканлигини эътироф этганлигимиз ҳолда рус миллатига мансуб кишилар ичида ҳам ўзбек тилида сўзлашадиганлар кўпчилигини айтмоқлигимиз даркор.

Биз кейинги йилларда тилимизни ҳурматлаш, уни эъзозлаш, ривожлантириш, она тилимизни севиш ҳақида, деярли 10 йил олдин янги таҳрирда қабул қилинган қонун талабларини ҳаётга тадбиқ этиш, унинг ҳар бир бандини ўз вақтида бажариш борасида вақтли матбуот, турли йиғилиш, анжуманларда жуда кўп гапираётирмиз. ОАВни кузатиб бораётган ўқувчиларга бу яхши маълум.Лекин ҳақиқатни айтадиган бўлсак, қабул қилинган қонун моддаларининг айрим талаблари ҳануз амалга оширилмаётгани бор гап эмасми? Бу, албатта, ўзини миллат фидойиси деб билувчи ҳар бир инсонни фикрлашга чорласа ажаб эмас.

Ҳозирда рус тили миллатлар, давлатлар орасидаги алоқа тили, турли жабҳаларда бўладиган мулоқотлар тилига айлангани рост. Юртимизда рус тилининг халқимиз ҳаётини кенг ўрин олганини тан олганимиз ҳолда она тилимизни севиш ва ҳурматлаш энг аввало давлат тили деб эълон қилинган бу тилга ҳуқуқийлик, миллий ифтихор, мустақил давлат рамзи нуқтаи назаридан ёндашсак тўғри бўлар.

Эҳтимол, бу масалага ёндашамизда, яна буюк ёзувчи А. Қаҳҳорнинг "рус тилини иккинчи она тилимиз дейиш учун ўз тилимизни билишимиз керак!" деган ўгитини ҳар доим эсдан чиқармасак яхши бўлар.

Тил ҳақидаги қонун, унинг баъзи моддаларининг ҳануз айрим ташкилот ва жамоаларда амал қилинмаётганлиги ҳақида кўп гапираётганимиз ҳолда, қонун талабларига амал қилмаслик, уни бажармаётганлигимизнинг асл сабаблари нимада эканлиги ҳақида рўйрост айтаётирмизми?

Ҳозирда қуйи ташкилотларни қўяқолайлик, юқори ташкилотлар барча вазирликлар, қўмита ва республика миқёсидаги идоралар, ҳокимликларнинг барчасида ҳам тил ҳақидаги қонунга амал қилинмоқдами?

Очиғини айтадиган бўлсак давлат тили ҳақида дастлаб 1989 йили қонун қабул қилинган пайтда кўпчиликда қонуннинг айрим бандлари талабларини амалга ошириш учун шунча йил, яъни саккиз йил ҳам муддат қўйиладими, бу жуда узоқ муддат эмасмикин,

(Давоми 2-бетда)

"Hurriyat" – 10

ЗАРВАРАҚЛАРДАН

Маърифат
Иброҳим ҒАФУРОВ

ОЗОДЛИК ТУЙҒУСИ

Яшириб нима қиламиз: ўз кўчасининг номига ҳам бепарво одамларни кўп кўрамиз. Нега бу ер "боғкўча" эмас, "Садовка" деб аталади, ким берган бу номни, ким қўйиб кетган пешонангизнинг тепасига деб сўрасангиз, елка қисадиган одамлар кўп: Нима бўпти? Қўйса қўйгандир. Шунга ҳам ота гўри қозихонами? — дегандай тумтайишибгина туради. Нега? Чунки унда ўша биз сўз очган туйғу — озодлик туйғуси тарбияланмаган.

27 декабрь, 1996 йил.

Муаммо
Аҳрор АҲМЕДОВ

КИТОБ ВА КАБОБ

Кўп кузатганман — одамлар китобларни томоша қилиб-қилиб, кўчанинг нариги томонига ўтишади-да, етаклаб олган фарзандлари қўлига "Сникерс"ми, "Марс"ми олиб бериб, ошми, кабобгами навбатга турадилар...

Ҳозир бизга нима бўлди? Намунча қорин ғамига тушмасак? Дунёда ошқозон дардидан ҳам бошқа дардлар бор-ку? Наҳот китобнинг қадри бир сих кабобчалик бўлмаса?

(11 январь, 1997 й)

Таклиф
Б.Ш

"ФУҚАРО" ЭМАС, "ВАТАНДОШ"

Маълумки, "фуқаро" сўзи арабча бўлиб, "фақир" сўзининг кўплик шаклидир. Ўзбек тилида "фақир" сўзи "камбағал" деб, "фуқаро" эса "камбағаллар" деб таржима қилинади.

Ўзбек тилида "граждан" сўзини ифодаловчи юртдош, ватандош, ўлкадош (шахс, шахсият) каби сўзлар мавжуд. Фикримизча, "фуқаро" калимасининг ўрнига, бу сўзлардан бирининг киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Хат
Шакархон ЮСУПОВА,
Хоразм вилояти Урганч тумани,
Навруз кўчаси, 2-тор кўча, 18-уй.

ЎЗБЕКНИНГ НОМИ ЧИҚСИН

Тўғриси, менинг етти пуштимдаям мусиқачи ўтмаган. Беш боламнинг бири Мадатмонжонда катта истеъдод бор экан. Буни педагог Чупикова сезиб қолди. Бироқ унинг овози баланд скрипкаси йўқ... Қанийди озод Ўзбекистоним, қолаверса, бир ўзбекнинг иқтидорли боласи номи жаҳон миқёсида тилга олиниб, шарафланса ёмонми?

15 январь

Луқма
ТАҲРИРИЯТ

ОЛМА, КОВУШ ВА ОЙНАИ ЖАҲОН

Кеча эмасмиди мухбирларга "Ўзбошимчалик қилма" деб тайзиқ қилинадиган кунлар, бугун яна: "Ким ҳуқуқ берди?" деб ёзғирасиз. Ижодкор учун ёпиқ макон йўқ ва шу жумладан, ойнаи жаҳон ҳам тегиб бўлмас жой эмас.

Таъна
Зойир МАМАЖОН

ТЕГИРМОН ТЕСКАРИ АЙЛАНСА

... Ўзим салкам ўттиз йилки қаламнинг ортидан кун кўриб келаман. Деновда "Чағаниён" деган газет бор. Шунинг муҳарририман. Баҳоли қудрат ҳаётда неки қувонч-ташвиш бўлса ёритяпмиз. Лекин дангали гап, айрим раҳбарларга гоҳ "Чағониён", гоҳ ўзим ёқинқирамайман. Чунки...

22 январь

СИТОРА тайёрлади

Тадбир

БУГУНГИ МАТБУОТ ХИЗМАТИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

11 март куни Ўзбекистон Миллий матбуот марказида республикадаги вазирлик ва идоралар, марказий муассасалар матбуот котиблари ҳамда матбуот билан ишлайдиган масъул ходимлари учун «Мамлакатдаги бугунги жараёнларда матбуот котибларининг вазифалари» мавзусида семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Семинар-кенгаш кун тартибига Халқ таълими вазирлиги матбуот хизматининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги тажрибаси, «Матбуот хизматлари фаолиятини ташкил этиш бўйича қўлланма» тақдимоти, вазирлик, идора ва муассасалар вебсайтлари фаолияти таҳлили сингари бир қанча масалалар киритилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг матбуот котиби Д. Нуруллаев вазирлик ва идораларнинг матбуот хизматлари олдида турган вазифалар ҳақида гапирар экан, бугунги кунда хорижий мамлакатлар оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонга нисбатан ахборот хуружини тўхтатмаётганини, уни обрўсизлантириш учун кўпинча очиқдан-очиқ туҳматдан тап тортмаётганини қайд этди. Унинг фикрича, айрим ғарб давлатларидаги сиёсий кучлар ўзларига ҳаммаслак оммавий ахборот воситалари кўмаги билан Ўзбекистоннинг дунё саҳнидаги обрў-эътиборига путур етказиш учун кун оша ахборот хуружини кучайтиришмоқда. Уларнинг мақсади, - деди Д. Нуруллаев, - фақат Ўзбекистоннинг обрўсини туширишмас, мамлакатни яккалаб қўйиш, ички барқарорликка путур етказиш, миллатлараро ва диний низолар чиқариш, қўшни давлатлар билан асрлар оша шакланган дўстлик ришталарини узиб ташлашдир». Бундай шароитда баъзи бир вазирлик ва идора раҳбарларининг «Ит ҳурар, карвон ўтар» қабилида иш тутиб, туҳматларга вақтида жавоб қайтармаётгани кечириб бўлмас ҳолдир ва бугунги ахборот урушида у ёки бу масала тақдирини соатлар ҳам эмас, дақиқалар ҳал қилаётган бир шароитда ўзибўларчилик билан иш тутиш ярамайди. Президентнинг матбуот котиби ўз мулоҳазаларини муайян мисоллар билан далиллади. Шунинг баробарида у вазирлик ва идоралар вебсайтларининг ҳозирги кундаги аҳволи юзасидан Алоқа ва ахборотлаштириш вазирлиги ўтказган мониторинг натижаларини эълон қилар экан, бундай замонавий ахборот тарқатиш воситасига аксарият ҳолларда панжа орасидан қаралаётгани, энг яхши деб топилган вебсайтлар ҳам ўз имкониятининг 50-60 фоизи атрофида фойдаланаётгани, хабарларни янгилаш борасида жиддий камчиликлар борлиги ачинарли ҳол эканини таъкидлаб ўтди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги матбуот хизмати раҳбари, профессор Ҳ. Кудратуллаев вазирликда амалга оширилаётган ишларни ёритишда қилинаётган амалий ишлар хусусида ўз тажрибаларини гапириб берди. 2005 йилда ташкил этилган ушбу хизмат қисқа вақт ичида деярли барча ОАВ билан ишчан муносабат ўрнатди. Натижада халқ таълими фаолиятини ёритувчи ОАВ билан ўзаро тушунмовчиликка барҳам берилди, яъни танқидий мақола чоп этилган тақдирда ҳам у асосли бўлишига эътибор қаратилмоқда. Семинар-кенгашда вазирлик раҳбариятининг ОАВ билан ҳамкорлигига алоҳида эътибор берилаётгани қайд этилди.

Тан олиш керак, вазирлик ва идораларнинг матбуот хизматлари шаклланаётган янги институт бўлгани учун улар фаолиятини йўлга қўйишда муайян қийинчиликлар туғилмоқда. Керакли йўриқномалар, қўлланмаларнинг етишмаслиги оқибатида баъзи ходимлар матбуот билан қандай мулоқот қилишни билмайди, раҳбарлар эса турли баҳоналар билан матбуот конференцияси ёки брифинг уюштиришдан қочади. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот хизмати ташаббуси билан ва Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати кўмагида «Матбуот хизматлари фаолиятини ташкил этиш бўйича қўлланма»нинг қисқа вақт ичида нашрга тайёрланиб, «Адолат» нашриётида чоп этилиши айни муддао бўлди.

Семинар-кенгаш чоғида ўша қўлланманинг ҳам тақдимоти бўлди. Унинг иштирокчилари қўлланмага юқори баҳо берди ва матбуот хизматлари ишини ташкил этишда бундай қўлланмалар жуда зарур эканини таъкидлади. Айниқса, унинг ўзбек ва рус тилларида чоп этилгани, унда матбуот хизмати институти нима эканидан тортиб, пресс-релизларни тайёрлаш, интервьюларга ҳозирлик кўришу журналистнинг саволларига жавоб бераётганда ўзини қандай тутиш кераклиги хусусида жўяли кўрсатмалар бор. Бу қўлланма нафақат матбуот хизматлари ходимларига, қолаверса, вазирлик ва идора раҳбарлари учун ҳам фойдалидир.

Семинар-кенгаш иштирокчилари муҳокама қилинган мавзулар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Бундай тадбирлар чоғида ўзаро тажриба алмашиш заррурлиги айтилди ва вебсайтлар фаолиятини яхшилаш юзасидан Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида улар учун махсус семинар ташкил этилиши мақсадга мувофиқ деб топилди. Бундан ташқари, матбуот котиблари клуби фаолиятини янада жонлантириш таклиф этилди.

Семинар-кенгашда муҳокама этилган мавзулар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Манба: www.gzt.uz

Изоҳга ҳожат йўқ.

КИМДАН ЭРКИНМИЗ?

(Бошланиши 1-бетда)

Рақобатга бардош беришнинг муҳим шартларидан бири, бу — ҳозиржавобликдир. Ҳар бир оммавий ахборот воситаси ҳар қандай янгилик, воқеа-ҳодиса, муҳим халқаро хабарни иложи борича тез, қисқа ва лўнда бериш учун курашмоғи зарур. Хабарни биринчи бўлиб тарқатиш катта аҳамиятга эга. Биринчи ҳозиржавоблик ва тезкорликда бошқаларни доғда қолдириш деган гап. Ўша хабарни кейинчалик бошқа оммавий ахборот воситаси тарқатса, унинг аҳамияти қолмайди. Эсимда, 1999 йилнинг февралида Тошкентда террористик хуруж амалга оширилганида орадан атиги 18-20 дақиқа ўтиб Ўзбекистон телевидениеси Вазирлар Маҳкамаси биноси олдидан олинган видеотасвирларни ҳамда Президентнинг сўзларини эфирга берганди. Ўшандаёқ бор ҳақиқат айтилган эди. Шунинг учун ҳам шовшувга ва миш-мишга ўрин қолмади. Ўзбекистон телевидениеси кўрсатган ҳозиржавоблик, яъни зудлик билан тарқатган хабар ўшанда жаҳондаги барча йирик ахборот агентликлари, телеканаллар ҳамда радиотўлқинлар учун биринчи ишончли манба бўлиб хизмат қилганди.

Демак, ҳозиржавоблик учун бизда имконият бор. Бироқ кўпинча негадир шошмайроқ, гап эшитиб қолмасмиканмиз, деб ҳадиксираймиз, бошқалар берсин-чи, шунга қараб кўрамиз, деб кутамиз. Мен фақат кўнгилсиз ҳодисалар ҳақидаги хабарларни назарда тутаётганим йўқ. Ҳатто хушхабарни, муҳим тадбирларни, дунё воқеаларини беришда ҳам негадир эҳтиёткормиз. Берсакмикан ёки юқоридан рухсат олсакмикан, деб иккиланиб турамиз. Буни қўрқув эмас, қўникмага айланиб қолган ички назорат дейиш мумкин. Ички назорат бизга йиллар мобайнида ўз ҳукмини ўтказиб келди. Энди уни ичимиздан ҳайдаб чиқариш учун курашяпмиз. Жамиятимиздаги демократик ўзгаришлар бизга далда бераётган экан, сўзсиз, биз уни ҳайдаб чиқарамиз.

Ошкоралик ҳам худди ҳозиржавобликдек матбуот эркинлигини таъминлашнинг муҳим шартидир. Ошкоралик бор жойда эркинлик бўлади. Давлат сирига дахлдор бўлмаган ҳар қандай воқеа-ҳодисанинг сабаблари очиқ айтилиши ва бу халққа етказилиши керак. Бўлмаса миш-мишлар ўз-ўзидан уйдирмаларга айланиб кетаверади. Уйдирмалар эса ваҳимани кучайтиради. Ўз навбатида ваҳима одамларнинг қалбига ғулғула солади. Яхшиси, қувончли ёки кўнгилсиз бўлсин, бирорта воқеа-ҳодиса юз берса, шунга дахлдор ёки масъул одам дарҳол матбуотда чиқиш қилиб, юз берган ҳолатни холисона изоҳлаб берса — олам гулистон, ҳеч қандай уйдирмага ўрин қолмайди.

Олам тафсилотларга тўла. Инсон уларнинг олдини олишга ожиз. Фалокат оёқ остида, дейишади. Давлатдан ва тузумдан қатъий назар қаердадир нимадир бўлиб туради. Буни яширишнинг ҳожати йўқ. Собиқ иттифоқ даврида яшириб фақат мулзам бўлганимиз қолган. Ҳатто табиий офатни ҳам яширдик. Ваҳоланки, ҳорижнинг мураккаб техникалари собиқ СССРнинг қаерида ер қимирлаб, қаерида тошқин бўлганлигини қайд қилиб қўярди.

Ошкоралик билан холислик эгизак. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Гап ошкоралик ҳақида борар экан, мисол тариқасида бир воқеани эслаб ўтмоқчиман. Ёз кунларининг бирида автобусда Қорақалпоғистонга бордим. Газлига яқин ерда йўлнинг ўнг томонидаги очиқ жойга пачоқланиб кетган битта автобус билан битта юк машинасини кўргазмага қўйиб қўйишибди. Фожиа ўша куни кечаси юз берибди: автобус билан юк машинаси тўқнашибди. Жуда нохуш манзара. Ўтган-кетган ҳайдовчилар кўриб таъсирланишсин, ҳушёр тортишсин, сабоқ олишсин ва хулоса чиқаришсин, деб тўқнашган автобус билан юк машинасини йўл бўйига қўйиб қўйишибди. Бизнинг автобусимиз йўловчилари тўғри қилишибди, деган хулосага келишди. Бу нафақат ҳайдовчиларни, балки йўловчиларни ҳам ҳушёр торттириши аниқ. Тўғриси, автобусимиз ҳайдовчилари ҳам, биз ҳам ўйланиб қолдик. Қушдай учиб келаётган автобусимиз ўртача тезликка тушиб қолди. Ҳаёт ҳамманинг кўзига азиз кўриниб кетди. Бундай кўнгилсиз ҳодисани кўрган ҳар қандай одамда ҳушёрлик ва сергаклик муҳрланиб қолади.

Айтмоқчи бўлган гапим шуки, бизнинг матбуотимизда, яъни кўпчилик ўқийдиган газеталаримизда бу кўнгилсиз ҳодиса ҳақида хабар босилмади. Агар босилганида эди, ундан таъсирланиб ҳушёр тортганлар ва сабоқ олганлар сони кўп марта ошган бўларди. Назаримда бунинг ҳеч қандай сир жойи йўқ, бу иккита бебурд ҳайдовчининг жиноятқорона эҳтиётсизлиги оқибатида юз берган бахтсиз ҳодиса. Ошкоралик сергакликни ва ҳушёрликни ошириб, бундай ҳодисаларнинг олдини олишга ёрдам бериши мумкин. Фақат ҳодисани матбуотда беришда холисликни унутмаслигимиз керак.

Мен оммавий ахборот воситаларимиз фаолиятини кузатиб борар эканман, ўзбек матбуоти бугун ҳадик ва лоқайдлик бекатини ортда қолдириб, демократия ва эркинлик бекати сари йўл олди, деб ишонч билан айта оламан. Айрим газеталар бу йўлдан илдам бормоқда. Буни кўрмаслик, сезмаслик мумкин эмас. Эркин ва теран фикрлайдиган, ҳаётни ҳаққоний ва холисона ёритаётган журналистлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Буни илғамаслик, ҳис этмаслик мумкин эмас. Бироқ хориждаги баъзи ҳамкасбларимиз буни кўриб-кўрмасликка, билиб-билмасликка солишяпти. Айтайлик, бундан ўн-ўн беш йил олдин ўзбек матбуотига, ўзбек журналистларига қандай тамға босишган бўлса, ҳозир ҳам худди шундай тамға босишяпти. Яна кимлар денг? Шу ўзимизнинг матбуотда ишлаб, шу ернинг тарбиясини олган ҳамкасблар. Хорижнинг оммавий ахборот воситаларига ўтиб иш бошлашлари биланоқ гўё ҳаммадан ақлли, доно, билармон ва билимдон бўлиб қолишяпти. Яқинда "Озодлик" радиоси ана шундай ҳамкасблардан бир нечтасини ишдан бўшатди. Энди эса улар, аксинча, хорижда ҳақиқат йўқ экан, деб бонг уришяпти.

Хўш, биз кимдан эркинмиз? Биз, аввало, фақатгина ўз фикримизнинг, ўз кўз қарашларимизнинг, ўз тушунчамизнинг, ўз фаросатимизнинг қули бўлиб қолишдан эркин бўлишимиз керак. Биз эркин бўлар эканмиз, бошқаларнинг фикрини ҳам, бошқаларнинг тушунчасини ҳам ҳурмат қилишимиз зарур. Бизнинг эркинлигимиз бошқаларнинг эркинлигини поймол қилмаслиги шарт. Эркинлик бобида ҳеч ким мутлақ ҳакам бўлолмайди. Юқорида мен фикрларимни эркин баён қилдим, демак, мамлакатимизда сўз эркинлиги ва матбуот эркинлиги бобида яратилган шарт-шароит бунинг учун менга имконият берди. Акс ҳолда мен фикрларимни бу даражада очиқ айтолмаган ва матбуотга ёзолмаган бўлардим.

Иброҳим НОРМАТОВ

Премьера

11 март куни А. Навоий номидаги кино саройи, оддий сўзлашув тилидаги "Панорама"да "Пўшт, арава!" бадиий фильмининг премьераси бўлиб ўтди.

"ПАНОРАМА"НИНГ КАТТА ЗАЛИГА ОДАМ СИҒМАЙ КЕТДИ

Таниқли ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст сценарийси асосида суратга олинган фильмга Ҳилол Насимов режиссёрлик қилган. Фильмдаги бош ролни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист О. Асомов ижро этган. Комедия жанрида суратга олинган ушбу фильмнинг асосий мавзуси Ўзбекистонда шаклланаётган бозор шароитидаги инсоний муносабатлардир. Унда кўтарилган мавзу долзарблиги баробарида маърифий характерга ҳам эга. Томошабин қандай қилиб маърифий бозор тутимларини жорий қилиш ва ўз ҳақ-ҳуқуқи учун курашиши кераклиги ҳақида муайян тушунчага ҳам эга бўлади.

Энг қизиғи, фильмда маърифийлик атайлаб бўрттирилмайди, аксинча, комик саҳналарга йўғрилиб берилади. Бу ҳол унинг кўримлилигини жуда оширган. "Пўшт, арава!" бунақа долзарб, баъзан оғриқли муаммоларни экранга олиб чиқишдан кўра, абадий инсоний муносабатлар мавзусини хуш кўрадиган, уларнинг ҳам сийқасини чиқариб юбораётган сценаристу режиссёрларимиз учун сабоқ бўлса ажаб эмас. Томошабинлар комик саҳналар баробарида фильмнинг тили, диалоглардаги қочиримлардан ҳам роса маза қилишди. Зални вақти-вақти билан қарсагу қийқириқлар тутиб кетди.

Фильм премьераси анча овоза бўлган, шекилли, 2 минг кишилик катта залга одам сиғмай кетгани учун режиссёр Ҳ .Насимов саҳнага чиқиб, "Пўшт, арава!" бир вақтнинг ўзида кичик залда ҳам намойиш этилишини эълон қилишга мажбур бўлди.

Бир томошабин мухбиримизга, бир фильм премьерасининг бир йўла икки залда бўлганини эслолмаслигини айтиб, мана, ўзимизда кўрса бўладиган кино ишласа бўлар экан-ку, деб хитоб қилибди.

Мухбиримиз

Орият

ДЕВОР ОРТИДАГИ ЖАНЖАЛ...

Маиший-коммунал хизмат учун пулини вақтида тўлаб бориш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Ана шу бурчимизни адо этиш учун шанба куни "Мардлик сервис-коммунал" уй-жой мулкдорлар ширкатига бордим. Мендан олдин бир-икки киши бўлганлиги боис навбат кутишимга тўғри келди. Орадан кўп ўтмай одамларнинг жанжаллашиб, бир-бирини уят сўзлар билан ҳақоратлаган овози кела бошлади. Дастлаб эътибор бермадим. Аммо бақир-чақир авж олса олдики, тинчимади. Навбатда турган одамлар хона деразасидан ташқарига қаради. Чунки дераза Фарҳод бозори томонга қараган эди. Бу пайтда ҳаммада "тинчликмикан?" — деган хавотир бўлади-да. Шунда биз мурожаат қилиб турган ширкат ходими, рус аёли: "шовқин ичкаридан келяпти", — деди. Мен ҳайрон бўлдим, ахир бу хонада маҳалла раиси ўтирар эди. Хаёлимдан бирор мижоз билан маҳалла раиси келиша олмаяпти, шекилли, деган фикр ўтди. Ва савол назари билан ҳалиги рус аёлига қарадим. Фикримни тушунди чамаси, у: "Йўқ ўзлари билан ўзлари келиша олмаяпти", — деб жавоб берди. Ҳайрон қолганимни кўриб, "бу биринчи марта эмас", — дея қўшимча қилди, у. Қизиқсиниб катта жанжал бўлаётган, яъни маҳалламиз раиси ўтирадиган хонанинг эшигини очдим. Қандайдир аёл (ким бўлиб ишлашини билмайман) "ҳозир, кутиб туринг!" деб эшикни ёпиб олди. Чамаси мени бирор масалада мурожаат қилиб келган фуқаро деб ўйлади, шекилли. Мен яна навбатимни пойладим. Маҳалламиз раиси хонаси билан ширкатимиз хонасининг эшиги ёнма-ён. Ширкат ходимига "сизларда даҳшат эканку", — десам, у менга шундай жавоб қайтарди: "Бизларда эмас, девор ортида". Шу пайт битта стул "тарс" этиб деворга урилгани эшитилди. Овозидан ҳаммамиз чўчиб тушдик. Девор ортида бўлаётган жанжалдан навбат кутаётганлар ҳам ҳайрон қолди. Чунки жанжал кулминацион нуқтага чиққанди.

Ҳа, қизиқ... Аслида, ўзи бу ерга ҳудудда яшовчи фуқаролар қандайдир масала ёки муаммо билан мурожаат қилиб келишади. Аҳолига намуна бўладиган маҳалла раиси хонасида, ҳатто, қаламим ёзишга орсинаётган сўзлар билан бир-бирларини баралла ҳақоратлашни қандай тушуниш мумкин! Жамоат пулига келган стулларни синдиришга нима дейсиз. Ахир ўзининг пулига ўша синган стулларни олмаганда. Агар чўнтагидан пул кетса улар стулларни улоқтирадими? Ҳайронман... ҳар куни оммавий ахборот воситаларида "Ватан — маҳалладан бошланади" — деб ботбот айтиляпти. Зеро, бу хилдаги маҳалла раислари учраб турса керак. Уларни эса биз сайлаб лавозимга ўтказганмиз. Лекин юқоридаги масалани очиқлигича қолдириб бўлмайди, тўғримасми?

Перхан АЛЛАМБЕРГЕНОВА,
журналист

ТИЛ—МИЛЛАТ КЎРКИ

(Бошланиши 1-бетда)

деган хаёллар ўтганлиги рост эди-ку.

Мана, ҳозир эса нафақат 1989 йилги, балки 1995 йилда янги таҳрирда қабул қилинган қонун талабларини ҳам бажаришда ҳамон оқсоқланмоқдамиз.

Назаримда, бундай оқсоқланишдаги биринчи сабаб ўзимизда, яъни ўзини миллат фидойиси деб ҳисоблаган, инсонларнинг ўзида деб ўйлаймиз.

Қолаверса, бу — турли тоифадаги катта-кичик раҳбарларга, уларнинг ватанпарварлик, она тилига бўлган фидойилик, қолаверса, қонун талабларига бўлган ҳурмат туйғуларига бориб тақалса ажаб эмас.

Тил ҳақидаги қонун талабларини бекаму кўст рўёбга чиқариш учун жон куйдириш, қолаверса, давлат тили ҳурматини жойига қўйиш, асло миллатчилик дегани эмас. Эҳтимол, бизчалик бошқа миллат вакилларига ҳурмати баланд, уларнинг ҳурматини жойига қўядиган халқ жаҳонда йўқдир. Биз ўзлигимизни чуқур англаган ҳолда, тарихда ким бўлганимиз ва кимнинг ворислари эканлигимизни тушинган ҳолда давлат тилига, ҳурмат, эҳтиромимизни англаб, қонунга амал қилиб иш юритишимиз шарт деб ўйлаймиз.

Тилимиз жозибадорликда, жарангдорликда фаранг тилидан қолишмайди, италян тили билан бемалол тенглаша олади, десак муболаға бўлмас. Айтинг-чи, тилимиздаги сўзлар ўйноқилиги-ю унинг ранг-баранг маъно жилоларини яна қайси тилдан топиш мумкин. Сўз ўйини бўлган аскиямиз яна қайси тилда бор? Бу сўз ўйинларини бошқа тилга таржима қилиш мумкинми?

Кўп тилни билиш бу киши маданиятлилиги даражасининг бир сифати, лекин истиқлолимизнинг 14-йилида ҳам рус тилидан лозим бўлган, бўлмаган жойда ҳам фойдаланишимиз ва ҳеч бир сабаб ва эҳтиёж бўлмаса-да, рус тилида иш юритишимиз четдан қараганда кулгили бўлиб кўринмасмикин?

Қачонгача айрим давлат идораларида, ташкилот ва корхоналарда хизмат вазифаси бевосита аҳоли ўртасида мулоқот қилиш билан боғлиқ меҳнат жамоаларида ҳам оддий кишилар ҳамон рус тилида мурожаат қилишга мажбур бўлишса?

Давлат тили ғурури бор йўқлиги номаълум айрим раҳбарларга балки ёқмаётгандир. Эҳтимол, улар бу билан тил ривожланиши, миллат равнақига ҳам салбий таъсир кўрсатаётганини сезмаётган бўлсалар керак.

Ўзбек тилида иш юритишдан қочаётганлар ёхуд қонун талабларини бузиб рус тилини қулай деб билаётганлар аслида улар кимлар деган ҳақли саволга жавоб бериш вақти аллақачон келмадимикан?

Республикамизда яшаётган барча русий забонлар мамлакатимиз аҳолисининг кам қисмини ташкил этса-да уларнинг барчаси ўзбек тилини тўла билишлари шарт демоқчи эмасман. Бизда масала бу тахлитда қўйилмаётганлиги ҳаммамизга маълум. Лекин, қонун талабларини амалга ошириш ва қонунда кўрсатилгани бўйича давлат тилида иш юритишга эришиш етарли шарт деб ўйлаймиз.

Тил—бу миллат кўрки, у миллатига тегишли барча хусусиятларни бутун гўзаллиги билан намойиш этувчи кўзгудир. Ҳар бир миллат ўз тилидагина ўзлигини намойиш этиши мумкин.

Миллатга хос бўлган асл фикрлар (бу расмий ҳужжатлар, иш қоғозлари ва турли ёзишмаларга ҳам тегишли) у фақатгина шу миллат тилида ўз аксини топади, жаранглайди.

Мамлакатимиз ҳаёти ва миллатга хос-хусусиятларни бошқа тилда ҳам ифода этиш мумкин. Аммо, унда нимадир етишмай қолиши, нимадир қолиб кетишлиги табиий.

Ҳар бир миллат ўз тилида ўзлигини тўлалигича намойиш этар экан ўз тилимизга нисбатан фидойи бўлиш, миллатпарвар бўлиш ўзини ўзбекман деган ҳар бир инсоннинг виждон амридир, деб ўйлаймиз.

Тил миллат кўрки экан, ўзини миллат жонкуяри деб ҳисобланган ҳар бир инсон баҳо беришда унинг тилга бўлган ҳурмат-эҳтиромини асосий тошу тарозидир, десак хато бўлмас.

Холмурод АЛЛАНАЗАРОВ

МММда

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ОАВлари ривожланиш йўллари ва тараққиёт

Журналистларни қайта тайёрлаш ҳалқаро жамоатчилик маркази, "Немис овози" радиоси ҳамда Ўзбекистон Миллий матбуот маркази ҳамкорлигида уюштирилган давра суҳбати шундай номланди. Унда Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази раҳбари Гулнора Бабажанова, халқаро эксперт Вольфганг Шрайбер, Германиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ханс-Йоахим Кидерлен ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда қўшни республикалардан келган журналистлар иштирок этишди.

Қизғин баҳс-мунозара руҳида ўтган давра суҳбатида фуқаролик жамиятининг ривожланиш йўллари Германия мисолида таҳлил этилди.

Бундан ташқари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари иккинчи ўқишга киритилган ОАВ соҳасига тегишли бешта қонун лойиҳаси ҳақида тўхталди.

Тадбир сўнгида журналистлар ўз давлатларидаги ОАВларининг ютуқ ва камчиликлари ҳақида ҳам тўхталдилар.

Зебо АБДУҚОДИРОВА

ЁН ДАФТАРДАН

Ён босмасанг, ҳатто севган аёлинг билан ҳам аҳил яшашинг мушкул.

* * *

Аёл макрига дуч келганингдагина аёлнинг нимага қодирлигини биласан. Унгача аёл бекусур фаришта.

* * *

"Муҳаббат — ҳаёни енгиш усули" (З. Фрейд). Ҳа, ҳаёни, бироқ аёлни енгиш усули эмас.

* * *

Аёл итоатгўйлиги билан эркакдаги такаббурликни енгиб келади.

* * *

Севмасанг раъноқад фаришта ҳам кўзингга ажина кўринади.

* * *

Муҳаббат — ўзини ўзи овутиш учун инсон кашф этган мафтункор, аммо буюк алдоқдир.

* * *

Аёлни севмасдан файласуф бўлишинг мумкин, аммо аёлни севмасдан шоир бўлишинг душвор.

Виктор АЛИМАСОВ

Дараклар

МИЛОШЕВИЧ ЎЛИМНИ АФЗАЛ БИЛДИ

Югославиянинг собиқ президенти, инсониятга қарши жиноятларда айбланган Слободан Милошевич Хагадаги уруш жиноятлари бўйича Халқаро Трибунал ҳибсхонасида вафот этди.

64 ёшли Милошевич юрак хуружини бошдан кечираётганлиги боис суд жараёнлари кечиктирилаётганди. Нидерланд токсикологи Рональд Угуснинг журналистларга берган ахборотича, Слободан Милошевич ўз хоҳишича тавсия этилмаган дориларни истеъмол қилган. Шифокор икки ҳафта олдин Милошевич қонини текшириб таҳлил қилган. Унинг айтишича, Милошевич туберкулёзга қарши бўлган "рифампицин" дори воситасини ўзича қабул қилган. РИА «Новости» ахборот агентлигини ёзишича, у шу йўл билан хасталаниб, даволаниш учун Москвага кетмоқчи бўлган.

Милошевич Югославиянинг собиқ раҳбарлари сақланган БМТ трибуналининг "Sheveningen" ҳибсхонасида вафот этган 4-судланувчи бўлди. 6 март куни худди шу хонада хорват сербларининг 50 ёшли етакчиси Милан Бабич ҳам ўлик ҳолда топилганди. 1998 йилда сербларнинг яна бир етакчиси Славко Докманович ўзини ўзи ўлдирган. Ўша йили август ойида Приедор мэри Милан Ковачевич айни шу хонада вафот этганди.

Халқаро Трибунал собиқ президентнинг ўлимини шубҳали ҳисобламаслиги, ўлим табиий сабаблар натижаси эканини айтган. Аввалроқ Трибунал Милошевичнинг Москвага даволаниш учун боришга рухсат бериш ҳақидаги сўровини рад этганди.

Милошевич аввалига Сербия, кейин эса собиқ Югославия раҳбари сифатида мамлакатни уч қонли уруш: Хорватия, Босния ва Косководаги урушларга етаклади. У амалдалиги пайтидаёқ инсониятга қарши жиноятда айбланган илк президент сифатида тарихда қолади.

Слободан Милошевич 1941 йилда Белграддан унча узоқ бўлмаган Позаревачеда туғилган. Унинг отаси Иккинчи жаҳон уруши туғаши биланоқ оиласини ташлаб кетган ва 1962-йилда ўз жонига қасд қилган. Уни мактаб ўқитувчиси ва содиқ коммунист бўлган онаси вояга етказади. Бироқ, 1972 йилда у ҳам ўз жонига қасд қилади. Мактабни тугатиши билан жаноб Милошевич партия амалдори ва партизан командирнинг қизига уйланади. Шундан кейин жаноб Милошевич тезликда партия пиллапоялари сари кўтарилади ва 1986 йилда Серб Компартиясининг 1-котибига айланади. Косководаги уруш Милошевичнинг қиёфасини ўзгартириб юборади.

1989-йилда Сербия Президенти этиб сайланган Милошевич Косовога мухториятни беришни рад этади. Словения ва Хорватиянинг мустақил деб эълон қилиниши эса, серб миллатчилиги тўлқинини янада кучайтиради. Бу икки давлатдаги уруш унча узоқ давом этмайди. Бироқ Босниядаги қарама-қаршиликлар қонли тус олади.

1995 йил серблар учун ҳалокатли йил бўлади. Хорват армияси сербларни Хорватиянинг бир қисмидан сиқиб чиқаради. Милошевич халқаро босимлар остида Босния билан тинчлик битимини имзолайди. 1997 йилда Федерал Югославиянинг Президентига айланган Милошевич янги инқирозга юз тутади. Мухториятдан маҳрум бўлган албанлар Сербиядан норози эдилар. 1998 йилда Серб армия ва полицияси Косовога кириб бораркан, юз минглаб албанлар тоғларга қочишади. Серблар «этник тозалаш» деб атаган амалиётларда ўн минглаб кишилар ўлдирилади ва юз минглаб инсонлар мажбуран кўчирилади.

Сребреницада минглаб мусулмон эркак ва болаларнинг қатлиом қилиниши эса Европода Иккинчи жаҳон урушидан кейинги энг даҳшатли ёвузлик, деб аталади. Можаронинг Югославия ташқарисига чиқиб кетиш хавфи пайдо бўлганидан сўнггина, Ғарб ва Россия Милошевичга босим ўтказишни бошлайди.

1999 йилнинг февраль ойида Милошевич Рамбуйе музокараларида илгари сурилган шартларга кўнишга рози бўлади. НАТОнинг кучли босими сабабли Белград ён беришга мажбур бўлади. Армия Косовадан олиб чиқилади ва у ерга халқаро тинчликни сақлаш кучлари киритилади. Шу тариқа Буюк Сербияни яратиш ғояси чиппакка чиқади ва мамлакат халқаро миқёсда яккаланиб қолади. Жаноб Милошевич эса жиноятчи, деб эълон қилинади.

У 2000 йилда Белграддаги кўпминг кишилик намойишлар натижасида ҳокимиятдан четлатилади ва ҳибсга олиниб, Хагадаги Уруш жиноятлари бўйича Халқаро Трибуналга топширилади.

Куни кеча интернет орқали тарқатилган хабарларга қараганда Россия Ташқи ишлар вазирлиги Слободан Милошевичнинг Сергей Лавровга йўллаган мактубини олган. Россия ТИВ вакили Михаил Камыннинг маълумот беришича, Милошевичнинг маслаҳатчилари унинг хатини Россиянинг Нидерландиядаги элчихонасига топширишади. Бу воқеа 11 март куни рўй беради. Кейинги куннинг иккинчи ярмида мактуб ТИВга келиб тушади. Бу вақтга келиб эса Милошевич боқий дунёга йўл олганди.

РОССИЯДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТ ҚИСҚАРДИ

Россия Президенти Владимир Путин Давлат Думасида қабул қилинган "Ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат ҳақида"ги қонунга ўзгартириш киритиш ҳақидаги қарорга имзо чекди.

2008 йилдан бошлаб Россияда армия сафида ҳарбий хизмат қилиш муддати 24 ойдан 12 ойга, муқобил хизмат даври эса 42 ойдан 21 ойга қисқартирилди.

Бундан ташқари, ИТАР-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, қонунга айрим ўзгартиришлар ҳам киритилган. 27 ёшдан юқори бўлган РФ фуқаролари ҳарбий хизматга чақирилмаслиги қонунда белгиланган бўлса-да, Федерал ҳудудларнинг губернатор ва президентлари ҳарбий чақирувдан вақтинча озод қилиниш имкониятига эга бўлардилар. Аммо губернатор ёки президент бўлиш учун фуқаро 30 ёшдан кичик бўлмаслиги лозимлиги ҳам белгилаб қўйилганди. Янги қонунда бу каби зиддиятлар олиб ташланди.

2005 ЙИЛНИНГ ЭНГ ЁМОН СЎЗИ

Германиянинг Берлин шаҳрида таниқли тилшунослар, сиёсатшунослар ва журналистлар иштирокида мамлакат обрўйига путур етказган сўзни аниқлаш мақсадида "Антисўз 2005" тадбири ўтказилди.

Энг шармандали сўз деб "Entlassungsproduktivität" (Энтлассунгспродуктивитет), тан олинди. Бу сўзнинг таржимаси "ишчиларни ишдан бўшатиш орқали ишлаб чиқаришда ўсиш" деган маънони бериб, уни кўплаб ходимларни ишдан бўшатиш орқали ишлаб чиқаришда ўсиш суратини оширишга эришган ва шу орқали рақобатга бардош берган тадбиркорлар ўйлаб топишган.

Иккинчи ўринни Ehrenmord («Эренморд») — "ҳақ номи билан ўлим" («убийство во имя чести».) сўзи эгаллади. Одатда хулқ-атвори учун оила аъзоларини ўлдиришни ана шундай деб аташади. Учинчи ўринни эса Bombenholocaust («Бомбенхолокост») — «бомбали Холокост», яъни 1945 йилда АҚШ ва Буюк Британия ҳарбий ҳаво кучлари Дрезденни бомбардимон қилиш вақтида фойдаланилган сўз банд этди.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди

Эзъоз

САОДАТ КАЛИТИ

"Яхши ният — ярим давлат" деган мақол аслида ҳаёт ҳақиқатини англатадиган ҳикмат экан. Яхши сўзлар орқали эзгу амаллар, ёруғ тилаклар орзуси ўзбек хонадонида ҳали бола туғилмасданоқ унинг руҳига сингдирила бошлайди. Бундан 80 йил олдин Тошкент шаҳрида дунёга келган гўдакка яхши ният билан "Шавкат" дея исм қўйган ота-она бир куни ўғиллари улғайиб, ўзбек фанининг довруғини дунёга таратадиган шавкатли олим бўлиб етишишини ҳис қилган бўлсалар, не ажаб...

Ўрта Осий давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг ўзбек филологияси факультетини имтиёзли тамомлаган бўлажак профессор шу улуғ даргоҳ бағрида илмий изланишлар олиб борди. Қалбда эзгу мақсад, собитлик, мустаҳкам ирода бўлса, ҳар қандай машаққатни енгиш мумкин экан. Шавкат Раҳматуллаев салкам 60 йилдан бери онадек азиз бўлиб қолган университетда ёшларга таълим беради. "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими" (1990 й) унвони соҳиби, 114 номдаги дарслик, ўқув қўлланмалари, илмий мақолалар, луғатлар муаллифи бўлмиш ардоқли устозимизнинг олий фазилатларига ҳавас билан қараймиз, улардан ибрат олишга интиламиз. Кўплаб дарслик ва қўлланмаларда ўзбек тили тараққиётига оид долзарб масалалар ёритилган. Айниқса, ўзбек тилшунослиги тарихида биринчи марта яратилган 2 жилддан иборат "Ўзбек тилининг этимологик луғати"ни чинакам кашфиёт дейиш мумкин.

Луғатлар ҳар бир халқнинг бебаҳо маънавий бойлиги, миллатнинг ўзлигини сақлаб қолишда муҳим аҳамият касб этувчи манбадир. Шунинг учун ҳам домланинг бу соҳадаги меҳнатлари: "Ўзбек тилининг фразеологик луғати" (1992), "Ўзбек тилининг имло луғати" (лотин алифбосида, 1995) асарлари катта тақсинга лойиқ.

— Она тилимизнинг тараққиёти жараёнига кўз ташлаганда, ўтмиш, бугун ва келажак қанчалик кучли ришталар билан боғланганини ҳис этиш мумкин. Бу жараён тўпланган тажриба, амалиёт ва аниқ мақсад сингари тадрижийлик касб этади. Шу нуқтаи назардан қараганда ўзбек тили тарихи биз учун сабоқ мажмуидир. Унинг истиқболи эса бугунги олимларнинг саъи-ҳаракати, фидойилиги, жонкуярлигига, эътиқодига боғлиқ, — дейдилар устоз.

Истиқлолнинг 14 йиллиги арафасида "Буюк хизматлари учун" орденига сазовор бўлдилар.

Мир Алишер Навоий ҳазратлари: ***Умрни зое этма, меҳнат қил, Меҳнатни саодатинг калити бил,*** — деганлар. Профессор Шавкат Раҳматуллаев ҳалол меҳнатлари билан чинакам бахту иқбол, иззат-обрў топди.

Муборак ёшингиз қутлуғ бўлсин, азиз устоз!

Шогирдлар номидан:

Саодат СУЛТОНСАИДОВА,
Зуҳра ЮНУСОВА,
Нодира АЛОВУДДИНОВА

Юбилей

МЕМУРИЙЛАР

"Темур тузуклари"нинг "Ҳиндистонни забт этиш учун қилган кенгашим" бобида қайд қилинишича, Соҳибқирон навбатдаги юриш олдидан катта ҳарбий кенгаш чақирган. Унинг муҳимлиги ва нуфузи шу даражада бўлганки, машваратда ўша пайтда Ғазни вилоятини бошқариб турган Пирмуҳаммад Жаҳонгир, Андижондан Муҳаммад Султон ва Хуросон ҳукмдори Шоҳруҳ Мирзо таклиф этилган ва улар Самарқандга етиб келган.

Кун тартибидаги масаланинг моҳияти шундан иборат эдики, Соҳибқиронни Хитой фатҳи безовта қилар ва беш йиллик юриш (1392 йил, июнь — 1396 йил, июль) зафарли якун топган, демак, Хитой азми амалга ошиши мумкин эди. Бироқ Ҳиндистондан келаётган ташвишли хабарлар (чунончи, Мўлтон қалъасини олишнинг чўзилиб кетгани) катта режани ўзгартиришга олиб келади. 1398 йил март ойида Соҳибқироннинг Ҳиндистон юриши бошланади.

Орадан йиллар ўтиб, ҳазратнинг шавкатли авлодларидан Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистонни яна фатҳ этади. 1526 йил 27 апрелда Деҳлида Бобур номига хутба ўқилади (Соҳибқирон 1399 йил 1 январда Деҳлидаги Ферузобод масжидида икки ракъат намоз ўқиб, ортга қайтган эдилар).

... Соҳибқирон чақирган ҳарбий кенгашда шаҳзодалар, амирлар Ҳиндистонга юриш юзасидан ўз мулоҳазаларини билдирган эдилар. Жумладан, "Ҳиндистонни олсак, наслимиз йўқолади, авлодларимиз ўз аслидан ажраб, ҳатто тиллари ҳиндча бўлиб кетади", қабилида ташвиш изҳор этилган. Не ажабки, бундай қисмат, зикр қилинганидек, Соҳибқирон эмас, Бобурнинг фарзандларига ато этилган экан. Бобур фатҳидан 43 йил ўтиб, эвара — шаҳзода Салим (отаси — Акбар) туғилади. Унинг онаси Ражпут рожасининг қизи эди. Шундан кейин бу авлоднинг маҳаллий аҳолига кўшилиб кетиш (ассимиляция) жараёни бошланади. Гарчи кейинги Бобурий шаҳзодалар Исломий эътиқодларини сақлаб қолган бўлсалар-да, уларни энди туркий қавмдан деб аташ қийин эди.

Биз насабномада масаланинг техник томони (рақамларнинг жуда чўзилиб кетгани)ни ҳисобга олиб, Жалолиддин Муҳаммад Акбаршоҳ (3.6.2.4.1.1.1)дан бошлаб, янги шартли белги (А-0)ни қўлладик ва бундан кейинги авлод (А) билан давом этади. Бу ҳол асло бўлиниш чегарасини билдирмаслиги керак, негаки, Бобурийлар, демак, Соҳибқирон авлоди ягона илдиздан тарқалгани ҳақиқат.

(Бошланиши ўтган сонларда)

А—1.1. ХУСРАВ (Шаҳзода)
1587 йил — 1622 йил, Агра.
Отаси — Салим (Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгиршоҳ).
Онаси — рожа Бахгавандас Качваҳа қизи.

Салим тахтга ўтиргач, Хусравни ушлатиб,Аграда маҳбусликда сақлайди. Қочиб чиқади ва қўшин тўплаб, отасига қарши келади. Енгилиб, қочади. Кема қумга тиқилиб, қўлга тушади. Отаси кўзига мил торттиради. Укаси Хуррам (А— 1.3) бўғиб ўлдиради.

Доварбахт исмли ўғил қолган. Эронга кетган.

Умри — 36 йил.

А—1.2 ПАРВЕЗ (Шаҳзода)
1586 йил — 1626 йил.
Отаси — Салим (Жаҳонгиршоҳ)
Онаси — хожа Ҳасан қизи.

Меварни қўлга олишда бош бўлган. Аллоҳобод вилояти ҳокими. Шаҳзода Хуррам (А.— 1.3) исёнларини бостиришда фаол иштирок этади. Валиаҳд эди. Тўсатдан вафот этган.

Умри — 41 йил.

А — 1.3. ХУРРАМ (шаҳзода) — ШОҲЖАҲОН
1592 йил, январь, Лоҳур — 1666 йил, Агра.
Отаси — Салим (Жаҳонгиршоҳ)
Онаси — рожа Уди Сингҳ қизи.
1612 йилда Осафхоннинг 19 ёшли қизи Аржумандбону (Мумтозмаҳал)га уйланади. Тахт учун зимдан кураш олиб боради, гуруҳбозлик кучаяди. Отаси хуш кўрмас эди. Тахт валиаҳдларининг вафот этиши унга шоҳликни иньом этади. 1628 йил февралида Аградаги ота тахтини эгаллайди. Бухоро хонлиги билан алоқаларни мустаҳкамлайди. Деккан, Қандаҳорни қайтариб олади. Ўғиллари ўзига қарши туради. 1658 йилдан — уй қамоғида.

Бобоси Акбаршоҳнинг меҳрини қозонган Шоҳжаҳон (Хуррам) қурилишга зўр берди. Пойтахтни Аградан Деҳлига кўчирди. Аграда машҳур Тожмаҳал обидасини барпо этди. Бу мақбара унинг севимли маликаси Аржумандбону (Мумтозмаҳалбегим) хотирасига (у 1631 йилда ўн тўртинчи фарзандни туғиш чоғида вафот этган эди) бунёд этилган.

Фарзандлари: 4 ўғил, 1 қиз(6/6).
Умри — 75 йил.

А— 1.4. ШАҲРИЁР (шаҳзода)
1596 йил — 1627 йил.
Отаси — Салим (Жаҳонгиршоҳ)
Онаси — хос канизаклардан

Нуржаҳонбегимнинг аввалги эри Шарафкандан бўлган қизи Лодилабегимга уйланган эди. Иродасиз ва қатъиятсиз Ш. қўғирчоқ бўлиб қолади. Осафхон кўзига мил торттиради.

Умри — 32 йил.

А— 1.3.1. ДОРОШУКУҲ
1616 йил — 1659 йил.
Отаси — Шоҳжаҳон (Хуррам)
Онаси — Мумтозмаҳалбегим.

Аллоҳобод, Панжоб, Мўлтон ҳокими. "Қодирий" тахаллуси билан бадиий-ирфоний асарлар ёзган, таржималар қилган. Отаси касал бўлиб қолганда тахтни бошқаради. Укалари бирлашиб унга қарши курашадилар. 1658 йил 29 майда Агра яқинидаги Самугарҳдаги ҳал қилувчи жангда енгилади (у эрка ўсган, иқтидорсиз раҳбар эди). Қочиб, белужларнинг Дедар вилояти султони Малик Жевондан бошпана сўрайди (уни бир пайтлар ўлимдан олиб қолган эди). М.Ж. тутиб, Аврангзебга топширади. Қатл қилиб, кесилган бошини отасига киритадилар.

Ўғли Сулаймоншукуҳ нажот тополмай, Аврангзеб қўлида вафот этади (1662).

(Фарзандлари — 4/2).
Умри — 44 йил.

А— 1.3.2. ШОҲШУЖОЪ
1617 йил — 1661 йил.
Отаси — Шоҳжаҳон (Хуррам)
Онаси — Мумтозмаҳалбегим.

Бенгалия ҳокими, 1659 йил январда Ҳажвда Аврангзеб ўнгланмас зарба беради. Оиласи ва 40 нафар навкари билан Бенгалиядан чиқиб, Бирмадаги Агракан ўрмонига қочиб боради. Маҳаллий магҳ қабиласи ўлдириб юборади.

(Фарзандлари — 2/1).
Умри — 45 йил.

А— 1.3.3. АВРАНГЗЕБ (Абузафар Муҳйиддин Муҳаммад Оламгир)
1619 йил, 24 сентябрь — 1707 йил, Аҳмадобод.
Отаси — Шоҳжаҳон (Хуррам)
Онаси — Мумтозмаҳалбегим

Декан вилояти ҳокими (1636), 1644 йилдан отасига қарши ҳаракатларни бошлаб юборган, ниҳоят, 1658 йил июнда ота тахтини эгаллайди. 49 йиллик ҳукмронлиги даврида шафқатсиз сиёсат олиб борди. "Фатавойи Оламгирийр"ни жорий этди. Унинг подшолиги Бобурийлар салтанати ойининг тўлишган пайти эди...

(Фарзандлари — 5/5).
Умри — 87 йил.

А—1.3.А. ЖАҲОНОРОБЕГИМ
1614 йил — 1681 йил, Агра.
Отаси — Шоҳжаҳон (Хуррам)
Онаси — Мумтозмаҳалбегим

Онаси вафотидан сўнг сарой юмушларини ўз зиммасига олади. Оғалари ўртасидаги ихтилофларни юмшатишга интилади. Аграда жомеъ масжиди, Деҳли, Сурат, Амбола, Баҳол, Панипатда карвонсаройлар, Лоҳурда катта боғ, Кашмирда Паримаҳал боғи, Шаҳдхонободда Али Мардонхон ариғини бунёд этишда бош-қош бўлади. "Рисолаи соҳибия" китобини ёзади. Умрининг охирини нотавон отаси хизматига бағишлайди

Умри — 68 йил.

Ҳаким САТТОРИЙ тайёрлади.

(Давоми бор)

"Тошкент монументал комбинати" очиқ ҳиссадорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари йиғилиши 2006 йил 30 март соат 12⁰⁰да корхона ҳудудида, қуйидаги манзилда бўлиб ўтади: Тошкент шаҳри 1-Катта Миробод кўчаси, 32 уй.

КУН ТАРТИБИ:

1. Акциядорлик жамиятини Яккасарой туманлараро Фуқаролик ишлари бўйича судининг 2005 йил 17 октябрдаги қарорига мувофиқ тиклаш.
2. Жамият Устав жамғармасини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги Фармонида кўрсатилган даражага қадар ошириш.
3. Устав жамғармаси оширилиши муносабати билан жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш.

МАЪМУРИЯТ

Огоҳлик

ҚЎРИҚЛАШДА ПУЛЬТЛАР ЁРДАМ БЕРАЯПТИ

дейди Навоий вилояти ИИБ қўриқлаш бўлими бошлиғи, подполковник Мамасоли УРАЛОВ

Мамлакатимиздаги энг кенжа вилоят бўлган Навоий йирик саноатлашган марказ сифатида жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллаган. Унинг довруғини дунёга ёйишда "Навоий тоғ-металлургия" комбинати, "Навоийазот" ҳамда "Қизилқумцемент" ҳиссадорлик жамиятларининг хизмати катта бўлаётир.

Бутун дунё нигоҳида бўлган мазкур вилоятдаги халқ бойлигини, йирик саноат корхоналарини қўриқлаш, эл-юрт ва шахсий мулкларни асраш вилоят ИИБ ҳузуридаги "Қўриқлаш" бўлинмалари ходимлари — осойишталик поспонларининг муҳим вазифаларидир.

Зиммаларидаги юксак масъулиятни дилдан ҳис этиб, ўз постларида доимо сергак турган посбонлар вилоятдаги 704 та халқ хўжалиги иншоотларини ҳушёр қўриқламоқдалар. Шулардан 56 та иншоот маҳкама милиция ходимлари, 38 таси ҳарбийлашган соқчилар, 69 таси қоровуллар, 224 таси тунги милиция йўналиши ходимлари, 317 таси МКМ хизматчилари томонидан қўриқланмоқда.

"Қўриқлаш" хизмати ходимларининг тўлақонли фаолият кўрсатишлари учун барча қулайликлар яратилган. Улар замонавий техника воситалари билан таъминланганлар. Бу эса ҳодиса содир бўлган жойларга ўз вақтида етиб бориш ва жиноий тажовузларни бартараф этишда посбонларга жуда қўл келмоқда. Айниқса, "Қўриқлаш" хизматида марказий қўриқлаш пульти муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўтган йилнинг 13 март тунида Навоий шаҳар ИИБ бўлимига қарашли 1-сонли марказий пульти назоратида бўлган Амир Темур кўчаси 12-уй 23-хонадонда яшовчи фуқаро Р. Ахтиямов томонидан ташвишли хабар бўйича воқеа жойига етиб борган ходимлар Навоий шаҳар, Навоий кўчаси 49 "Б" уй, 53-хонадонда яшовчи В. Заключнёвни 12-уй ертўласидан 287,9100 сўмлик ТПП 50 Х2 русумли телефон кабелларини ўғирлаб кетаётганида қўлга олдилар. Тергов жараёнида ушбу фуқаро томонидан шаҳар ҳудудида 6 та шу каби ўғирликлар содир этилгани аниқланиб, яна 300 метрдан ортиқ телефон кабеллари мусодара қилинди. В. Заключнёв суд ҳукми билан 5 йилу 1 ойга озодликдан маҳрум этилди. Шунингдек, Қизилтепа пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти ҳовлисида содир этилган жиноят Қизилтепа ИИБ ҳузуридаги "Қўриқлаш" бўлинмаси маркази қўриқлаш пульти бошлиғи лейтенант О. Раҳимов ва катта сержант И. Саидов томонидан ўз вақтида аниқланган, Фуқаро Қандиёр Йўлдошев томонидан ўғирлаб кетилаётган 56426 сўмлик 172 кг. пахта хомашёси далилий ашё сифатида олинган. Бу каби қўриқланаётган иншоотларда майда ўғрилик содир этилгани учун йил давомида 1770 нафардан ортиқ шахс ушланиб, улардан 31 миллион 647 минг сўмлик моддий товар бойликлари олиниб, мулк эгаларига қайтарилди.

Навоий вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлимининг фидойи ходимлари нафақат халқ мулкини қўриқлашда, балки эл-юрт тинчлиги, халқ фаравонлиги йўлида тинмай хизмат қилмоқдалар. Ўз касбига содиқ бўлган хизматчилардан О. Мажидов, Р. Абдуллаев, Б. Ҳамроев, Э. Раҳмонов, О. Турсунов каби осойишталик посбонларининг хизматлари таҳсинга лойиқдир.

Шавкат НОСИРОВ

Танлов

"КУРАШ- МИЛЛАТ ҒУРУРИ"

танловига марҳамат!

Кўп минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек кураши бугунги кунда жаҳонни забт этди. Истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари И. А. Каримовнинг раҳнамолигида қадим спорт тури қисқа муддат ичида дунёнинг беш қитъасини қамраб олишга улгурди. Айни пайтда дунёнинг 80 га яқин давлатларида кураш федерациялари фаолият кўрсатаётгани – ўзбек курашининг нуфузи йилдан-йилга ортиб бораётганидан далолатдир. Дунё ҳамжамиятида тобора довруғ қозонаётган ўзбек курашининг Олимпиада ўйинлари дастуридан жой олишига катта умид ва ишонч билан қарамоқда.

Ўзбек курашини жаҳонда ва мамлакатимизда янада кенгроқ тарғиб-ташвиқ қилиш мақсадида Ўзбекистон Кураш Федерацияси ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси махсус танлов эълон қилади.

Танлов шартлари:

Ўзбек курашининг шонли тарихи, маънавий-маърифий аҳамияти, етти иқлимни забт этган чапдаст полвонларимиз ибрати, мустақиллик йилларида миллий қадриятларимизнинг улуғланишига бағишланган, бадиий жиҳатдан юксак савияда ёзилган насрий (роман, қисса, ҳикоя), публицистик (эссе, очерк, мақола) ҳамда шеърий (достон, шеър, бағишлов) асарлар қабул қилинади.

Мазкур асарлар ўзбек, рус ёки инглиз тилларида республикамиз оммавий ахборот воситаларида танлов учун махсус ташкил этилган "Кураш – миллат ғурури" рукнида эълон қилинган бўлиши шарт.

Танловни ўтказиш тартиби:

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар нуфузли ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади. Ғолибларни аниқлашда мавзунинг долзарблиги, асарнинг мазмун-моҳияти, ижтимоий аҳамияти, профессионал маҳорат асосий мезонлар ҳисобланади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Ғолибларга:

Энг яхши насрий асар учун

1-ўрин – 300000 (уч юз минг) сўм
2-ўрин – 200000 (икки юз минг) сўм
3-ўрин – 100000 (бир юз минг) сўм

Энг яхши публицистик асар учун

1-ўрин – 300000 (уч юз минг) сўм
2-ўрин – 200000 (икки юз минг) сўм
3-ўрин – 100000 (бир юз минг) сўм

Энг яхши шеърий асар учун

1-ўрин – 300000 (уч юз минг) сўм
2-ўрин – 200000 (икки юз минг) сўм
3-ўрин – 100000 (бир юз минг) сўм

пул мукофот ва учта рағбатлантирувчи мукофот берилади.

Ғолиблар 2006 йилнинг 6 сентябрь – (Кураш халқаро ассоциацияси ташкил топган ва ўзбек кураши халқаро спорт тури сифатида жаҳон майдонига чиққан) куни эълон қилинади.

Ижодий ишлар "Кураш – миллат ғурури" танловига деган қайд билан жорий йилнинг 10 мартидан 20 августига қадар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси (Жавоҳарлал Неру кўчаси, 1-уй) га тақдим этилади.

Ташкилий қўмита.

Фан

Ғарбий Европада 18-асрда фанга кириб келган герменевтика методологияси ҳозирда барча жамиятларнинг бошқарув бўғинларида ҳам қўлланилади. Бу истилоҳ аввалда муқаддас диний китобларнинг матнини ўрганар ва тушунтирар эди. Айниқса, теолог файласуфлар Вильгельм Дильтей (1833-1911) ва Фридрих Шлейермахер (1768-1834) герменевтикани (юнон асотирларига кўра, йўловчи ва савдогарларнинг ҳомий худоси "Гермес" сўзидан олинган) ўша даврлар Ғарб оламининг конституциясига айланган Библия матнларидаги ҳамд-сано ва наътларни кенг шарҳлашда қўлладилар. Кейинчалик эса ўрта ва кенжа авлод герменевтлари томонидан бу метод универсаллашди. Эдмунд Гуссерль ва Мартин Хайдеггер герменевтикани феноменология ҳамда руҳ ҳақидаги фанларга олиб кирди.

ГЕРМЕНЕВТИКА

Хайдеггернинг шогирди Ханс Георг Гадамер (1900-2001) эса метод имкониятларини кенгайтириб интерпротация сфераларини кўрсатиб берди. Матнни тушуниш ҳеч қачон охирига етмайди, — дейди у "Ҳақиқат ва метод" асарида. Замондошимиз Юрген Хабермас эса герменевтикани социологияга олиб кирди. Г. М. Майер, Х. Вольф, А. Бек, Ф. Аст ва бошқалар бу тушунтириш амалиётини фалсафага олиб киришга уринганлар. Шулардан, Христиан Вольф (1679-17654) (Канд уни рационалистик догматизмда айблаган) ва "Аристотель силлогизми", "Суқрот" каби фалсафий трактатларнинг муаллифи Генрих Майер (1867-1933) теологияда ҳам, ҳатто теософияда ҳам матнларни соф ақлий қувват билан герменевтик талқин қилишни тарғиб қилганлар. Герменевтиканинг ибтидоий шакли ўрта асрлар Ғарбда теология, патристика, схоластика, эгзетика бағрида яшаганини биламиз. Лекин, ҳар қандай таълимотнинг ўзгача шаклида бўлса ҳам ўз ўтмиши бор. Талқин масаласи билан боғлиқ дастлабки асар Гомернинг "Илиада"си бўлган. "Илиада" ва "Одиссея" асарларини талқин этган грамматистлар герменевтиклар ролида намоён бўлишган (Қ. Бласс, 1891,1). Кейинчалик, мусулмон Шарқида ҳам герменевтикадан юксак таълимотлар пайдо бўлди. Бу сўзимизга далил шуки, Қуръони Каримни тафсир қилмоқчи бўлган муфассирга қўйиладиган талаб жуда катта бўлган. У 8, 10, баъзи манбааларга кўра, 13 илмни мукаммал эгаллаган бўлиши лозим. Тафсир ва таъвил вазифаларини герменевтика методига шартли равишда қиёслаш мумкин. Суфийларнинг шарҳи эса таъвилдир.

Бу метод жамиятнинг бошқарув тизимида мусулмон мамлакатларида катта ўрин тутади. Маълумки, шариат фиқҳ қоидалари асосига қурилган. "Фиқҳ" сўзининг этимологияси эса араб луғатларида "англаш", "англатиш" деган маънони билдиради. Бу эса интерпротация ҳодисаси билан боғлиқ "тушуниш", "тушунтириш" маъноларига уйғундир. Фиқҳда, хусусан, аҳли сунна вал жамоат мазҳабининг асосий шохтомирини ташкил қилувчи Ҳанафия мактаби методлари шундай мукаммал ишланганки, мана асрлар ўтса-да ундан истифода этиб келинмоқда. Бизнинг конституциямиз ва бошқарув тизимимиз низомлари ҳам соф миллий, диний манфаатлар устига қурилган бўлиб, уни аҳолига чиройли йўсинда англатиб бориш лозим бўлади. Фиқҳ рукн (асос)лари 4 қисмга (1. Ижмо, 2. Қиҳс, 3. Раъй, 4. Урф) бўлинади. Сунна тармоғдаги бошқа мактабларда масолихи муросала, истехсон рукнларига ҳам амал қилиниб фиқҳий масалалар ҳал қилинади. Қадриятларимиз силсиласига кирувчи ушбу фиқҳ асослари ва мотуридий эътиқод таълими бизда герменевтик сферанинг нечоғли чуқур ва кенглигини билдиради. Дейлик, ўлкамиздаги урф-одат фиқҳий методнинг тўртинчи (Урф) рукнига кўра, диний қадриятдан паст бўлмаса (масалан: кўпчилик билан таом танаввул қилишда суннатга мувофиқ овқатга ҳамма тенг қўл урса, бизда миллий одат бўйича ёши катта киши бошлаб беради) миллий урфимизга қараб ҳаракат қилинади.

Тафсир ва таъвил, буюк мутафаккирларимизнинг асарларига шарҳлар бизнинг энг катта маънавий бойлигимиздир. Ваҳоланки, Ғарбда Гадамерга даврига келиб герменевтика тўла рационаллашди.

Гадамерга келсак, ҳақиқий тушуниш маҳсулдор муносабатдир. Бу билан тарихни бевосита тушуниш жараёнини енгиллаштиради. Тарихшунос бир муаллиф асарини ўрганар, тарихий ҳодисани талқин қилар экан, ўрганувчининг тасаввури, мулоҳазалари доимо асар мазмунини, руҳиятини айнан акс эттира олмайди, деган хулосага келади (Истина и метод. М. 1988. Стр.304).

Фалсафий герменевтика Форобийнинг акциденцияларнинг кўчиш қонунида ҳам бор. "Расоил ул-хукамо" таъкидлашича, тушуншдан аввал англаш келади. Буни замондошларимиз Э. Бетти, Гадамер герменевтика ва унинг сфералари тўғрисидаги таълимотларида эндигина таъкидлашди. Гадамернинг матнларни қисмларга бўлиб ўрганиш тўғрисидаги таълимоти тўғрисида ҳам фикримиз шундай. Бу методнинг ҳам тажрибадан ўтган усули аслида бизда мавжуддир.

Шукур ЖАББОРОВ

Йўқлов

«Жамият ва мен» танловига

ОЗОД ФИКР ШАРАФИ

Темир совутларга ўраниб олган, ўткир найзалар билан қуролланган Вақт Замонни ортда қолдириб, неча жонларни қурбон қилиб, шиддат билан илгари босади. Мана, энди олим ва устоз Озод Шарафиддинов ҳам тириклар сафида йўқ. Бу воқеага бир неча ой тўлган бўлса-да, кўпчилик мазкур йўқотишга кўника олган эмас. Бугун ҳам ўша танти ва оқил Озод ака сафларда юргандек. Афсуски, азал ояти аллақачон ўқилган. Энди ул зот ҳақидаги мехрли хотираларгина яшаяпти. Жумладан, филология фанлари номзоди, доцент Маҳмуд Сатторов ёддан ўчмас учрашувлар ҳақида "Озод фикр шарафи" сарлавҳасида эсдаликларини қоғозга туширибди. Улар бағрикенг, самимий ва дангал инсон ҳақида хабар беради.

Озод ака биз "Ҳуррият"чиларнинг ҳам яқин маслаҳатчиси ва устози эдилар. Газетамизни мунтазам кузатиб борар, муносабат билдирар, бирор мақола ёқиб қолса, муаллифини уйидан бўлса ҳам топтириб, ўз илиқ сўзини етказарди. Қолаверса, устоз газетанинг таҳририят аъзоси сифатида ҳам ўзимизники эдилар. Бирор муҳим мавзуда мақола керак бўлса, тортинмай илтимос қилар эдик. Узлари ҳам "қулочини кенг қўйиб ёзган" мақолаларини бизгагина илинар эдилар. Ҳа, бу кунлар тарих бўлиб қолди. Айниқса, "Соғлом бўлай десангиз" мақоласи чуқур хотираларга бой бўлганди. У кўриш қобилияти сусайган, бироқ қалби жўшқин муаллифнинг тақдир туҳфасига исёни сифатида таҳририят хазинасида сақланаяпти: ўтли сатрлар бир-бирига мингашиб қолган ёки ҳошиядан чиқиб кетган... Устоз бу мақолани кўзи билан эмас, қалб кўзи билан тусмоллаб қалам тебратганча ёзган. Мақола "Янги 2005 йил ҳаммамизга янги бахт, янги сиҳат-саломатлик келтирсин, одамлар!" деб тугалланган.

Қуйидаги хотираларни эълон қилар эканмиз, устознинг боқий орзуларини шогирдлар камолига етказсин, деб ният билдирамиз.

ЗЎР БЎЛСА...

Ноширлик, адабиётшунослик, публицистлик масалаларида, боринги, кейинги пайтларда ҳаётда туғиладиган барча катта-кичик муаммоларда устоз – Озод ака Шарафиддинов билан маслаҳатлашадиган бўлиб қолдим. Домла бу жиҳатдан масалани дарҳол аниқ-таниқ тушуниб, халқона тадбир излаб топиши билан бошқа кайвонилардан ажралиб турарди. Ҳатто шундай вазиятлар бўлдики, диний-маърифий адабиётлар чоп этишда ҳам домланинг маслаҳатига суянадиган бўлдим. Бўлмасам, катта исломшунос олим Убайдулла Уватов барча нашрларимиз учун масъул, балогардон. Беминнат меҳнатини аямайди.

Бир гал домланинг зиёратига борсам, ҳол-аҳвол сўрашгач:

- Кутубхонага кириб, чап қўлдаги жавоннинг учинчи токчасидан тўртинчи китобни олинг, – дедилар.

Бу қалин, йирик, рангли китоб бўлиб – рус тилида "Библия – детям" деб аталарди.

- Кўринг, варақланг, – дедилар.

Китобда "Библия"нинг ҳар бир ривояти ҳикоятига моҳир рассом сехрли, афсонавий эртаклардагидай расмлар ишлаган, матн ҳам болаларбоп, йирик-йирик ва ёрқин ҳарфларда эди.

- Биз, "Қуръони карим"ни бу даражада безаб, болаларбоп қилиб, қайта ҳикоялашимизга ҳали анча бор, – дедилар устоз. – Бу жиҳатдан ҳозирча маънавий-руҳий тайёр эмасмиз. Бироқ ҳадисларни нега махсус, болаларбоп қилиб чиқармаслигимиз керак?! Ҳадислар қадимий педагогика – дидактикамизнинг ёмби олтинлари-ку! – дедилар.

Мана шу ғоя ва ҳамкорликдан бугунги мўъжаз "Ҳадислар – болаларга", 500 ҳадис намунаси бўлган қўлланма дунёга келди...

... "Ҳидоя", "Мажма-ул Мақсуд" шариат китобларининг 1-жилдлари 5-10 йил олдин чоп этилиб, кейингиларига келганда нашриёт иқтисодий таназзулга юз тутиб, уддалолмай қолган эди. Сал ўзимизни тиклаб олиб, энди буларга ҳам навбат етганда, ҳар галгидай, диний-маърифий адабиётлар чоп этишда бир томонга "оғиб" кетмаслик, мафкуравий мўлжални тўғри олиш учун масъул идораларга мурожаат қилиб, уларнинг расман "эътироз билдирмаймиз" деган жавобини олгач, китобни нашрга туширардик. Бу гал ҳам йирик, 50 босма табоқлик ёстиқдай 2 та китобни ўша идора раҳбар-мутасаддиларга рухсат учун юборсак, янги жавоб олдик.

Эмишки, бозор иқтисодиётидан келиб чиққан ҳолда идора мутасаддилари ҳар бир ўқиган қўлёзмага бир босма табоғи учун энг кам иш ҳақининг бир оклади миқдорида ҳақ олиб, пул ўтказиш йўли билан хизмат қилишар экан. Бу дегани 2 та шундай ишимизга – 100 босма табоқ – 650 минг сўм ўша идораларга, варақлаб, ўқиб беришларига тўлашимиз зарур эди. Албатта, бу талаб эндигина инқироздан чиққан корхона раҳбари – мени қониқтирмади. Тағин маслаҳат билан домлага мурожаат қилдим. Бу янгиликдан у киши мутлақо бехабар эканлар, тутоқиб кетдилар.

- Нега, нима сабабдан? Ўқиб бериш ахир уларнинг вазифаси, бурчи-ку. Шу иш учун маош олишади...

- Кўйинг домла, куйинманг, Нашр этиш-этмаслик ихтиёрий-ку. Рухсат текин бўлмаса, чоп этмай қўя қоламизда...

- Нега чоп этмас экансиз? Шунча меҳнат қилиб-а. Бундоқ ноёб китобларни нашрга тайёрлашнинг ўзи бўладими? Маърифий масалада Сиз билан бизнинг улардан кам жойимиз борми? Улар билган-тушунган нарсани бизлар тушунмаймизми? Нимадан чўчиймиз? Улар зиёли бўлса биз киммиз?! Миллий мафкурамизга муносиб асарлар сифатида иккиланмай чоп этаверинг. Бирор идорадан Сизни безовта қилишиб, тихирлик йўлига ўтишса, мени рўпара қилинг – жавобини ўзим бераман, – дедилар.

Андак танаффусдан кейин домла сал ўзига келгач, мен гўшакдан:

- Жаҳлингиздан тушдингизми, устоз? – десам Озод ака:

- Маҳмуджон, гап бундоқ – "Мажма-а"ни ҳам, Газзолийни ҳам тап тортмай нашрга туширавернг, ҳеч қўрқманг. Халқ бу китобларни кутяпти. Қавмларимизнинг минг йиллик ҳамроҳлари улар. Бугунги мустақиллик йилларида бу маънавий озуқалар ўз эгаларига албатта етиб бориши керак! – дедилар.

Сўнгги сўз, хулоса ўрнида яна қўшиб қўйдилар:

- Нимадан қўрқасиз, дарвоқе, жуда зўр бўлса, вазифангиздан бўшатиб қўйишар...

МУЛК

2004 йилнинг кузларида Озод аканинг иккинчи оёғи ҳам кесиладиган бўлиб, янги ТошМИнинг жаррохлик бўлимига ётқизилди. Орадан 3 кун ўтиб мен домлани кўргани бордим. Медиклар шаҳарчасида стоматология марказида ТошМИ профессори бошчилигида тишларимни янгилаётган, Озод аканинг «рекламаси» билан жағга қозиқ қоқиб, тиш қўйдириш энди расм бўлаётган вақтлар бўлиб, кўп касал тишлар олдирилиб, ярайдиганлари даволаниб, қоплама қўйишга тайёргарлик кўрилаётган кезлар эди. Оғзим тўла шўрпахта билан устоз хонасини топиб бордим.

Кунгай хона, эшик олдида домланинг кровати. Тўр томонда, одатдагидай Шарофат аянинг хос ётоғи, қиз невара ўша ерда, Домла кровати қирғоғини чангаллаб ўтирибди. Ёнида стул қўйиб, қўлида 2 варақ қоғоз билан профессор Абдуғафур Расулов (Озод аканинг шогирди) устоз билан баҳслашиб турибди. Абдуғафур ака ҳам дарҳол мен билан ҳам мунозарани бошлаб юборди.

- Зап келдингизда, Маҳмуджон. Сизнинг китобингизни мисол келтириб, домла билан баҳслашиб тургандим. Бу Озод аканинг «Маънавият» нашриётида чоп этилаётган «Довондаги ўйлар» китоби мундарижаси. Сиз нашриётингиздан Ҳамидулла Болтабоевнинг янги тўпламини чиқарибсиз. Кўриб хурсанд бўлдим. Ибратли томони шундаки, Ҳамидулланинг ҳар бир мақоласи остига қайси газета-журналда, қачон эълон қилинганлигини изчил, тарихий кетма-кетликда берибсиз. Домлага биз ҳам шундай қилайлик, десам иккиланяптилар...

- Сабаби, Ҳамидулланинг мақолалари ҳаммаси нозикроқ, бундайроқ мавзуларда. Муаллифни ҳам эътироф этадиганлар бор, айни пайтда унинг ғаниллари ҳам бисёр. Шуларни эътиборга олиб, мен «бу материаллар олдин эълон қилинган апробациядан ўтган» деган маънода, айрим даъвогарларнинг оғзига уриш учун шундай қилгандим. Бироқ, Озод аканинг янги китобида бу услубдан фойдаланиш зарур деб ҳисобламайман. Чунки домланинг мақолалари оқлаш ё ҳимояга муҳтож эмас.

- Бормисиз, Маҳмуджон, бу чулчутга ярим соатдан бери тушунтираман, ўзиникида туриб олган, ҳалиги китобни мисол келтиради,-дедилар Озод ака.

- Сухбатлар бўлса бошқа гап. Албатта муаллиф қайси олим, журналист, нашр вакили билан сухбатлашганини мақола сўнгида ёзиб қўйиш керак, бу илмий-ижодий ҳалолликка киради.

Баҳс шу билан тугади-ю, жарроҳ дўхтир йигит-қизлар домланинг ярасини даволаб, қайта боғлашга (перевязка) келишди.

- Кўтаринг оёғингизни,- деди жарроҳ йигит. Домла бир қарич ҳам қолмаган ўнг оёғи, тўғриғоғи чақалоқнинг бошидайгина бўлиб турган сонини кўтариб, дўхтир муолажасига ҳозирланди.

- Энди йигитлар,- деди Озод ака,- ҳозир вақтингиз борида оёқда қолган бинтингизми, пинцетингизми, қайчи-ю нинангизми, олиб қолинг, қайта боғлаганингиздан кейин бу мулк менга тегишли бўлиб қолади, албатта қайтиб бермайман! - дея ҳазиллашдилар.

Жарроҳ дўхтир ҳам жайдари йигит экан:

-Домла, биз керагини олиб бўлдик, қолгани ўзингизга сийлов,- деди тўпорилик билан.

Андак суҳбатдан кейин, домла:

- Тезроқ иш қобилиятим тиклансайди, ёзишни бошлаб юборардим, - дедилар бизга. - Ойбек ҳақида ёзишим керак. Ойбек ўзбек адабиётида уникаль ҳодиса. Биз унинг олдида қарздормиз. Айниқса мен Ойбек истеъдоди, инсоний сифатлари олдида қаттиқ қарздорман,-дея таъкидладилар..

Ҳайрлашиб, ташқари чиқилгач, Абдуғафур ака Ойбек домла устознинг тушига киргани, ундан андак гина қилганини гапириб берди. Ва, энг муҳими, мен бир умр билмаган, сезмаган янгиликни баён қилди. Темир иродали устозимиз Озод ака, кеча шогирди Абдуғафур Расулов уни кўргани келганида баралла йиғлаб, кўкракларига бош уриб, рози-ризолик тилабди, видолашибди.

Қаранг, ҳарқанча сабот-бардошли бўлмасин, матонатда ҳаммага ибрат кўрсатмасин, инсон барибир инсонда. Озод ака эса инсон бўлганда ҳам улуғ мутафаккир инсон эди...

СЎНГГИ СЎЗ

2005 йилнинг "Энг улуғ, энг азиз" танловида, мустақиллигимизнинг 14 йиллиги олдидан, менинг "Ўзбек удумлари" китобим ғолиб топилди. Орадан уч кун ўтиб, устоз Озод Шарафиддинов менга қўнғироқ қилиб:

- Маҳмуджон, мукофот билан сидқидилдан табриклайман, кечикиб йўқлаётганим учун узр, кеннойингиз телефонингизни топиши қийин бўлди, ўзим тополмайман, топганимда ҳам кўриб теролмайман. Так что, менинг самимий табригимни қабул қилинг. Бултур ўқигандим, қоладиган китоб бўлганди. Муносиб мукофот бўпти, - дедилар.

Улуғ инсоннинг эътибори ва эътирофидан бошим осмонга етди. Теримга сиғмай қувондим.

- Маҳмуд Тоиров ҳам қўйилганди, унга ҳам рағбат бўлдими, мен кейинги пайтлар газеталарни ўқиёлмаяпман. Неваралар бўш бўлганда ўқиб беришади... - дедилар.

- Маҳмуд Тоир Президентимиз Фармони билан Ўзбекистон Халқ шоири унвонига сазовор бўлди. Уники жуда баланд, - шоир дўстимиз учун хурсанд бўлиб маълум қилдим мен.

- Ҳа, дуруст иш бўпти. Сизникиям кам эмас, бу халқнинг, ўзбек зиёлиларининг эътирофи, ижодий меҳнат баҳоси бу, - яна "Удумлар"ни мақтади устоз.

Ҳамманинг табриги, ювишлар ҳам бир бўлди-ю, устознинг йўқлаганлари мени ниҳоятда қанотлантириб юборди. Бу ярим асрдан ортиқ илм ва ижод заҳматини чекиб келаётган мутафаккир зиёлининг баҳоси, юксак эътирофи эди.

Орадан икки кун ўтиб, котибам мени тағин устоз Шарафидинов қидираётганлигини айтиб қолди. Боғлансам, Озод ака салом-аликдан кейин:

- Маҳмуджон, Сизни қидираётганим сабаби - китобингиз ҳақида махсус мақола ёзмоқчиман.

Ҳеч қилмаган ишимни қилсам. Бир келсангиз, тезисларимни диктовка қилсаму Сиз ёзиб олсангиз. Ортиқча мақтов бўлмайди. Удумларнинг ҳар бир халқ ҳаётида тутган ўрни, муаллифнинг танлаган йўли, Президентимизнинг қадриятларимизни тиклаш йўлидаги ҳали мустақилликдан олдиноқ қилган саъй-ҳаракатлари, диний экстремизм, фанатизм, жаҳолатга қарши халқ донишмандлиги, миллий дидактиканинг азалий ва абадий қураши, удумларнинг бундан буёнги тақдири - бу халқимиз тақдирини белгиловчи муҳим омиллигини баён қилиш. Ана шу. Фақат аҳволимдан келиб чиқиб, ўзингизни ишга солаётганим малол келмайдими, бунинг Сизга қийинчилиги йўқми? - деб қайта сўрадилар.

Мен: - Йўғ-а, домла. Аввало, эътиборингизнинг ўзи мен учун энг улуғ мукофот, фақат Сиз қийналмасангиз... Мен учун Сизнинг фикрингиз, баҳоингиз катта шараф-ку, - дедим.

- Ундай бўлса келишдик. Вақтингизга қараб, бугун-эрта келасиз, ижодий ишни бошлаймиз. Фақат орқайин бўлмаймиз, эрта-индин қилсак ҳам бўлаверади, демаймиз, узоғи билан келаётган ҳафтанинг охиригача мақола редакцияда бўлиши керак, - дедилар.

Эртаси эрталаб бир "ЎзАС" ("Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси)ни қўлтиқлаб, домла зиёратига - ишлашга бордим. Газетадаги барча мақолаларнинг сарлавҳаларини, муҳаррирнинг "Жавоб" бош мақоласи ва Шавкат Раҳмоннинг "Ватан" шеърини ўқитдилар. Сўнг 19 пунктдан иборат тезисларини бирма-бир ёздирдилар. Бу кечаги оғзаки шартлашувимиздан 3-4 баравар кўп фикр-мулоҳазаларни қамраб олган тайёр масаллиқ - "ошнинг хоми" эди.

Ҳовлида, офтобшувоқда устоз билан анча гурунглашиб, уйга қайтдим. Кечаси билан тезисларни "ёйиб", бир-бирига улаб, мақолани Озод Шарафиддинов бўлиб ёзиб чиқдим. Эртаси шанба дам олиш бўлсада, энг қобилиятли компьютерчи қизимиз Дилдорани уйидан чақиртириб, мақоланинг биринчи вариантини нашриётда ёзиб чиқдик. Эртаси дам олиш куни ҳам мақола такомили ва таҳрири устида ишлаб, душанба куни домла ҳузурига равона бўлдим. Мақола компьютерда 7 бет бўлиб, унда домла айтган барча фикр-мулоҳазалар қамраб олинган эди.

Яна ҳовлида, ток остида, олачалпоқ офтоб нурида, енгил стол атрофида Озод акага мақолани жумлама жумла ўқиб бердим. Бирор жумла бўлмадики, домла сўз ё бирикма қўшган, ўзгартирган, тўлдирган бўлмасин. Муаллифнинг тилидан қаҳрамонга берилган сўз ҳам ўзлаштирма гапга - Озод аканинг ўз сўзига айлантирилди.

Ўзбек удумлари ҳақида гапира туриб, муаллифнинг сифатлари - ўзи ҳам айрим одатларини удумга айлантиргани ҳақидаги шахсан мени мақтовчи сатрлар домланинг диктовкаси билан орага киритилди. Кутубхона ташкил қилиш одатим ҳаммага маълум бўлса-да, нотавон қариндошимга нафақа тайинлаганим ҳақидаги фактни домла шарофати билан қилган Самарқанд сафари зиёратида, хусусий меҳмонхонада, оқшом очилиб, кайф устида айтган сиримни ҳам устоз хотирлаб қолган экан, мақолага киритди. "Ортиқча мақтов бўлмайдими, домла" десам, "аксинча, ибрат бўлади, бу одатни бошқа зиёлилар ҳам удумга айлантирса, инсонийликка, ҳукуматимизга анча ёрдам бўларди", - дея қўштирди.

Устознинг диктовкаси, таҳрири ва қўшимчалари билан тайёрланган мақола 9 бетни ташкил этди.

Эртаси куни тақриз тайёр бўлгач, уни қайси газетада эълон қилиш маслаҳати бўлди. Домла иккаламизнинг ҳам биринчи навбатда "ЎзАС"га эълон қилгимиз бор эди. Бироқ икки сабабга кўра бошқа газетага беришга қарор қилдик. Бултур "Ўзбек удумлари" нашрдан чиққач, "ЎзАС"нинг бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев ушбу асар ҳақида катта бош мақола ёзиб, "муҳаррир минбари"да "Удумлар" нашрини маданий ҳаётда ҳодиса сифатида баҳолаши бўлса, иккинчиси республиканинг барча шаҳар-қишлоқларига кириб борадиган газета танландики, бу шубҳасиз, ҳукуматнинг ижтимоий-сиёсий газетаси "Халқ сўзи" бўлди. Орадан андак вақт ўтиб, "Ватан" журнали менга Озод ака ҳақида мақола ёзиш буюртмасини берди.

Мен расмий биографик материалдан кўра кейинги йиллар домла ҳақида ёзиб бораётганим эсселар намуналаридан бермоқчи бўлдим. Бунинг учун домланинг олдидан ўтиш, имкони бўлса, ўзларига ўқитиб олиш лозим эди. Телефонлашиб, розиликларини олгач, "19 сентябрь куни Озод аканинг уйларига бордим. Дармонсизликлари сезилиб турибди. Талаблари билан уч эссени ўқиб бердим. "Маъқул, эълон қилаверинг, "Терра" журналида менинг яхши суратим берилган. Шуни илова қилинглар", дедилар.

21 сентябрь куни "Халқ сўзи" газетасида Озод аканинг "Удумларимиз халқимиз ҳамроҳи бўлсин!" деган мақоласи "Китоб ҳақида сўз" рукни билан эълон қилинди. Албатта, газета ўз табиатидан келиб чиқиб, мақолани анча қисқартирган, бироқ асосий фикр-мулоҳаза, мазмун, Озод Обидовичча стил сақланиб қолганди. Мендан биринчи бўлиб суюнчи олган Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Орипов бўлдилар. Телефонда худди ўзлари ҳақида ёзилгандай ҳаяжон билан:

- Озод акам Сизнинг китобингиз ҳақида зўр мақола ёзибдилар-ку. Табриклайман! - дедилар. Қаранг, сенаторлар газетани ҳаммадан олдин оларкан-да. Мен дарҳол домлага қўнғироқ қилиб, мақоланинг суюнчисини олдим. Устоз хурсанд бўлдилар.

- Ҳамма фикрлар қолибдими? - деб сўрадилар.

- Асосийлари қолган.

- Ҳа, майли, эълон қилишибди-ку... - дедилар.

- "Ўзбекистон Қаҳрамони" деган ёзув берилмабди.

- Унинг аҳамияти йўқ, - дедилар.

- Энди буни ювиш қолди, - дедим.

- Вақти билан ювамиз, - дедилар кулиб.

Бу устозимнинг мен билан охирги мулоқоти, матбуотдаги сўнгги сўзи эканлигини гумроҳ банда ўшанда билмаган эканман. Орадан андак вақт ўтиб, рўзанинг биринчи куни, жума намозида буюк устознинг жанозаси ўқилди...

ХАЙР ЭНДИ, ОЗОД ТАФАККУР!

Онам раҳматлининг бир гапи бўларди. "Сидқидил раҳбар топсанг, бир умидхона қилиб, этагини маҳкам ушлагин, болам". "Раҳбар" деганда у биз тушунган бошлиқ, хўжайин, илмий, идоравий, хизматбошини эмас, отадай жонкуяр, онадай меҳрибон инсонни кўзда тутарди.

Менинг шундай раҳбарим, умидхонам бор эди. Биргина менинг эмас, ўзбек адабиётининг, маданиятининг барча зиёлиларининг шундай мўътабар раҳбари, умидхонаси бор эди. Бу ўзбекнинг XX-XXI асрда худо ёрлақаган фидойи олими, тирик зиёратгоҳи, буюк зот - Озод Обидович Шарафиддинов эди.

Озод акани ҳар ким ҳар томондан яхши танийди. Биров етук олим, бошқаси моҳир таржимон, яна бири бош муҳаррир, домла, устоз, содиқ дўст, маслаҳатгўй, касбдош, сафардош, замондош... Мамлакатимизда ҳеч ким Озод Шарафиддиновга бегона эмасди. Айниқса Президент Каримов унга Олтин юлдуз топшириб, иззатини жойига қўйганидан кейин Геофизика кўргонидаги мунаввар хонадони Ўзбекистон меҳнаткашларининг норасмий қабулхона - идорасига айланди. Бухорои Шарифдан, Қорақалпоғу Хоразмдан, Қашқаю Сурхондан, Жиззаху Намангандан кўкрагида дарду ҳасрати бор, ноҳақликка йўлиққан инсонки бор, адолат излаб, Озод аканинг ҳузурига келарди. Домла ваколати бўлса-бўлмаса ҳар бир дардманднинг дардига даво излар, ҳақиқатни рўёбга чиқариш, адолатни тиклаш учун қўлидан келган ва келмаган барча чора тадбирларни кўрарди.

Озод ака бир умр ҳаётда мухташам кўприк вазифасини ўтаб ўтди. Илмни адабиётга боғлади, адабиётни маданиятга боғлади, ўтган асру тузумнинг энг яхши анъаналарини янги, истиқлол тузумига олиб ўтди. Шўро тизими 70 йилтяпти. Мен бинойиман. Бошқа ижодкорларнинг кўнглини олинглар. Масалан, Одил Ёқубов ўзбекнинг катта санъаткори у. Руҳлантиринглар, уни саломатлиги яхшимас. Шундаям шу ёшида ажойиб асарлар ёзяпти. Кўнгли кўтарилса, қанот чиқариб, яна зўр асарларини ҳадя этади, халқимизга...

Тағин бир гал Президент йўқловидан миннатдор бўлган устоз:

- Менинг шахсий илтимосим йўқ, таклиф шулки, улуғ адибимиз Ойбекнинг 100 йиллигини обрўйига яраша, жаҳоншумул қилиб ўтказайлик. Президентимиз бу ҳақда махсус фармон чиқариб, маблағ ажратишга ижозат берсалар, - дея илтимос қилганига шоҳидман.

Демак, бу борада ҳам Озод Шарафиддинов мамлакат зиёлилари билан Президент ўртасида кўприк бўлиб яшади.

Ўзбекистонда Озод ака дахлдор бўлмаган соҳаю, шахс йўқ ҳисоби эди. Рустам Қосимжонов Жаҳон чемпиони бўлганида, Триполига қўнғироқ қилиб, "Балли, Рустамжон ўғлим, сен бутун Ўзбекистонни чемпион қилдинг" - дея биринчи бўлиб олқишлаган ҳам Озод Шарафиддинов эди...

Адиб сўнгги йилларда тўлиб-тошиб, улгуриш учун шошиб ўзбекнинг машҳур одамлари ҳақида қатор адабий-публицистик очерклар яратди. Улар орасида олимлар, ҳуқуқшунослар, тадбиркорлар, шифокорлар, деҳқону фермерлар тимсоллари бор. Кўпчиликка маълум атоқли адиблар Чўлпон, Ойбек, Одил Ёқубов, Абдулла Орипов, Сарвар Азимов, Музайяна Алавия ва бошқалар ҳақида тамоман янги гапларни ёзди.

Шу туркумдаги очерклар орасида муаллифнинг кўпчиликка яхши таниш бўлмаган ҳассос ўзбек адиби Самар Нуров ҳақидаги асари алоҳида ажралиб туради. Тасодифан фалокат рўй бериб, ногирон бўлиб қолган санъаткор саботиродаси, матонати "Қора тонг" романини яратиш йўлида чеккан жисмоний-руҳий изтиробларини тасвирларкан, устозни яқиндан билганлар бу тимсолда Озод аканинг автопортрети ҳам муштараклигини яхши фаҳмлайди.

Қаҳрамонимиз Озод Шарафиддинов ҳаммага - ўтганларга ҳам, ҳаётларга ҳам қўлидан келган яхшилигини аямай ўтди.

Озод Шарафиддиновни баъзилар фидойи рус маданиятшуноси Дмитрий Лихачевга қиёслашарди. Кўпчилик бу зотни "ўзбекнинг имони" дерди...

Ўзбекистон, ўзбек халқи ўзининг буюк фарзандидан айрилиб қолди. Зиёлилар, ижод аҳли, афкор омма ватанпарвар, миллатпарвар, фидойи раҳбари, тирик зиёратгоҳи, умидхонасидан жудо бўлди. Озод Шарафиддиновнинг ўрни, қадри бундан буён кўп билинади. Алвидо, улуғ устоз! Охиратингиз обод бўлсин. Хайр энди, озод тафаккур...

ВИДО

Юрагим зирқираб, ўрганиб қолган рақамим 1615064 га қўнғироқ қилдим. Одатда бу телефон гўшагини домланинг ўзи оларди. Биламан, энди домла йўқ, гўшакни кўтариб зарбнафас билан "а-лоҳ!" демайди. Шундай бўлса ҳам ўрганган кўнгил...

... Келиннинг ёрдамга келган опасининг гапича, ҳовлида ҳеч ким йўқ, ҳамма ишда-ўқишда. Шарофат ая (домланинг рафиқаси) яқинда 1-стационарга даволанишга ётқизилибди.

Домланинг Абдулла Орипов "Адолат кўзгуси" китобига ёзган сўзбошиси учун андак қалам ҳақи бор эди, шуни олиб, ҳам кенойини зиёрат қилиш мақсадида шифохонага равона бўлдим. Шарофат янга мени кўриб хурсанд бўлди, "визитим" сабабларини айтдим.

Гонорарни муаллифнинг ворисига топшириб, имзо чектирдим. Айни пайтда армоним – шунчалик яқинлигим, домламнинг матбуотда эълон қилган энг сўнгги асари менинг китобим ҳақида бўлганлиги билан, насиб қилмаган экан, кўплар қатори устознинг тобутига елка теккизишга ярамаганим – ўша кунлари операция бўлиб, шифохонада ётганимни айтдим. Келинойи узримни тўғри қабул қилиб, устознинг сўнгги дамлари ҳақида ҳикоя қилиб берди:

– Домлангизнинг вақти-соатлари яқинлашганини сезиб, дарҳол қизим Муҳаббатни чақиртирдим. Хавотирим Алишердан эди. Ишининг тиғизлигидан отаси билан видолашолмай қолмасайди, деб чўчирдим. Ташқари чиқиб, қўлига телефон қилдим. Худонинг қудрати, югуриб келдими, учиб келдими, уч-тўрт дақиқада отасининг бошида ҳозир бўлди. Домла ўзларига келиб, ҳаммамизга бирма-бир қараб чиқдилар. Мен:

– Хўжайин, сўнгги пайтларда асабларим издан чиқиб, хизматингизни ўрнига қўйиб қилолмаган бўлсам, билиб-билмай қаттиқ-қурум гапирган бўлсам, мени кечиринг, рози бўлинг, – дедим. Домлангизнинг юзларида табассум ёйилди:

– Мен Сиздан мингдан минг розиман. Ахир ҳар куни "розиман" дейман, эшитмайсизми? – дедилар. Аслида, бирор марта бўлсин, бу сўзни тилларига олганларини эшитмаганман. Демак, ичларида айтарканлар-у бизлар билмас эканмиз-да. Тағин:

– Болаларингиздан, оила аъзоларингиздан рози бўлинг, – дедим.

– Ҳаммаларингдан розиман. Минг бор розиман, – дедилар. Сўнг ҳаммамизга яна бир қур нигоҳ ташлаб:

– Алвидо! – дедилар ва шу зумда жон узилди. Оллоҳнинг иноятн, жуда осон жон таслим қилдилар...

– Ҳа, домлам-а, – хаёл қилардим мен Шарофат янгани юпатиб, йўлда кетарканман, – бир умр қаҳрамонликдан иборат ҳаёти сценарийсига "алвидо"ни ҳам киритиб, уни ўринлатолган устоз-а!...

Маҳмуд САТТОРОВ

Ўзингни англаб ет! Mustaqil gazeta HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Тел-факс: 41-49-91. Тел: 135-39-01, 41-52-72

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Раҳмон ҚЎЧҚОР, Шерзод ҒУЛОМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Газетада чоп этилган мақолалардаги фактлар учун муаллиф жавобгар

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Ислом СУЛТОНОВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00
Буюртма — Г - 555
Т: 3672
2 3 4 5 6

® — тижорат белгиси.

Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.